БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 164 (4263)
21 июль, 1980 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## АКТИВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Ҳамза район партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитетининг июнь (1980 йил) Пленуми якунлари, унинг қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини бажариш, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш юзасидан район партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Ҳамза район партия комитетининг иккинчи секретари Г. Г. Внучков доклад қилди.

Музокара қатнашчилари — Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретарининг ўринбосари И. Г. Волков, радиоэшитириш, радиоалоқа ва телевидение республика узелининг катта электр механиги Ш. Р. Рамазонов, Ҳамза район комсомол комитетининг биринчи секретари Р. В. Акбаров ва бошқалар меҳнат коллективларида олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапириб беришди. Ҳамза район партия комитетининг секретари Н. И. Иқроҳимова меҳнаткашлар хатлари билан ишлаш ва гражданларни қабул қилиш ишларини янада такомиллаштириш бўйича кўрилаётган тадбирлар ҳақида гапириб берди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари Б. Г. Халилов сўзга чиқди.

Акмал Икромов район партия комитетида район партия активининг йиғилиши шу мавзуга бағишланди. Бу ерда район партия комитетининг биринчи секретари Х. К. Камолов сўзга чиқди. Йиғилишда Тошкент булка-кондитер комбинатининг директори Р. Э. Аббосова, «Сигнал» ишлаб чиқариш-техника бирлашмасининг ишчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати И. Г. Харитонова, сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Е. К. Убайдуллаева ва бошқалар сўзга чиқишди.

Фрунзе район партия активи йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг июнь (1980 йил) Пленуми якунлари ва мамлакат коммунистларининг навбатдаги анжуманига тайёргарлик кўриш юзасидан район партия ташкилотининг вазифалари муҳокама этилди. Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари С. У. Султонова доклад қилди.

Киров район партия активининг йиғилиши қатнашчиларининг муҳокамасига ҳам шу масала қўйилди. Киров район партия комитетининг иккинчи секретари Г. Л. Зарубин доклад қилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

### БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики, XVII чақириқ Тошкент шаҳар Советининг III сессияси 1980 йил 24 июль соат 15.00. да Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида очилади (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй).

Депутатлар ўша жойнинг ўзида соат 14.00. дан рўйхатга олинадилар.

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.**

# ЖАҲОН СПОРТ БАЙРАМИ

## МОСКВАДА XXII ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

Совет пойтахти узра Олимпиаданинг бешта халқаси тасвири туширилган байроқ ҳилпирамоқда. Мана шу халқалар Олимпиаданинг олижаноб идеаллари билан жипслашган беш қитъа спортчилари бирлигининг рамзидир.

Лужникидаги В. И. Ленин номли Марказий стадион. Ранг-баранг байроқлар ипакдек товланиб турибди. Шарқий минбар узра қўкка кўтарилиб турган бронза баркаш Олимпиада машъалини қабул қилишга тайёр. Унинг икки томонига: «Тезроқ, баландроқ, кучлироқ!» деган Олимпиада шиори ёзиб қўйилган. Бу ерда 19 июль куни жаҳон спорт байрами — Олимпиада-80 нинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Стадион минбарларида юз мингдан кўпроқ томошабин ўтирибди. Улар орасида барча қитъалардан келган ўн мингдаб чет эллик меҳмонлар бор.

Олимпиада ўйинлари — халқаро спорт ҳаётидаги гоят буюк воқеа бўлиб, халқларнинг тинчликка, ҳамжиҳатликка, гўзалликка интилишини акс эттиради. Леонид Ильич Брежнев Олимпиада қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табрикномасида мана шуни таъкидлади. Совет давлатининг бошлиғи атлетикачиларга спорт соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришувларини, Москвада Олимпиада кунларини шод-ҳуррамлик билан ўтказишларини тилаб билдирган самимий истаклари астойдил маъқуллаб кутиб олинди, ўзлари қодир бўлган барча энг юксак муваффақиятларга ҳалол спорт қураши орқали эришувга бўлган иштиёқини мустаҳкамлади.

Соат 16. Лужники узра Кремль курантларининг садолари янграйди. Фанфаралар даъватқор жаранглайди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев XXII Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросимига келганлиги тўғрисидаги хабарни стадиондагилар гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Совет давлатининг бошлиғи халқаро Олимпиада комитетининг президенти лорд Килланин, «Олимпиада-80» ташкилот комитетининг раиси И. Т. Новиков ва Халқаро Олимпиада комитети протокол бўлимининг бошлиғи Х. А. Самаранч ҳамроҳлигида марказий ложага чиқади.

Совет Иттифоқининг Давлат гимни ижро этилади.

Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Д. А. Кунаев, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Э. А. Шеварднадзе, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқлар стадионнинг марказий ложасига чиқадилар.

Бу ерда БКП Марказий Комитетининг биринчи секретари, БХР Давлат кенгашининг раиси Т. Живков, ВКП Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан, МХРП Марказий Комитетининг биринчи секретари, МХР буюк халқ хурали президиумининг раиси Ю. Цеденбал, ЧКП Марказий Комитетининг бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак, ЧССР ҳукуматининг раиси Л. Штроугал ҳозир бўлишди.

Ложаларда — турли мамлакатлардан Олимпиадага келган таниқли давлат, сиёсат ва жамоат арбоблари, парламент аъзолари, бир қанча давлатлар пойтахтларининг мэрлари, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, Халқаро Олимпиада комитетининг аъзолари, халқаро спорт федерацияларининг президентлари ва бош секретарлари, дипломатия корпусининг аъзолари, кўпгина мамлакатлардан келган Олимпиада чемпионлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Стадион минбарларида СССР министрлари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, республика, ўлка, область партия ва совет ташкилотларининг ҳамда Москва шаҳрининг раҳбар ходимлари ўтиришибди.

Атоқли совет композитори Дмитрий Шостаковичнинг байрам увертюраси ўйинларни очиш маросими бошланганлигидан дарак берди. Бу увертюра — Москва Олимпиадасининг музика эмблемасидир.

Кўҳна тарих саҳифалари — дастлабки олимпиадалар даври томошабинлар кўз ўнгида баайни жонлангандек бўлади. Югуриш йўлкасида улуғвор маросим қатнашчилари пайдо бўлади. Грекча либос кийиб олган йигитлар кўзаларни кўтариб келишмоқда. Уларнинг ортидан қадимий грекларнинг квадригалари — тўртта от қўшилган икки ғилдиракли аравалари келмоқда. Москва Олимпиадасининг очилиш парадида иштирок этаётган спортчилар стадионга кириб келаётган йўлга қизлар атиргулларнинг гул баргларини сочмоқдалар. Театрлаштирилган бу томоша ҳамма замонларда тинчлик, дўстлик, ҳамжиҳатликка хизмат қилган Олимпизм порлоқ ғояларининг давомийлигини мужассамлаштирди.

Олимпиаданинг олижаноб мақсадлари 81 мамлакатдан келган олти мингдан кўпроқ энг кучли атлетикачиларни Москвада тўплади. Стадионда ҳозир бўлган кишилари Европа, Осиё, Африка, Лотин Америкаси, Австралия спортчи ёшларининг намояндаларини шодиёна табриклайдилар.

Олимпиада анъаналарига мувофиқ қатнашчиларнинг парадини Грециянинг — дунёга Олимпиада ўйинларини ҳадя этган мамлакатнинг спорт делегацияси бошлаб беради. Олимпиада машъаласи ватанининг миллий байроғини Грециянинг энг яхши спортчиларидан бири — Олимпиаданинг кумуш медали совриндори Яхтачи Илиас Хадьипавлис кўтариб бормоқда.

Қатнашчиларнинг ёрқин, ранг-баранг намойиши салкам бир соат давом этади. Бу — Москва Олимпиадасида мамлакатлар ва халқларнинг вакиллари кенг кўламда иштирок этаётганлигининг яққол далилидир.

Намойиш охирида Совет Иттифоқининг—XXII Олимпиада ўйинларининг ташкилотчиси бўлган мамлакатнинг делегацияси ўтиб боради. Бизнинг мамлакатимиз Халқаро Олимпиада ҳаракатига қўшган катта ҳиссаси учун мана шу ўйинларнинг ташкилотчиси бўлиш ҳуқуқига сазовор бўлди. Совет спортчилари бундан 28 йил мукаддам Хельсинкида биринчи марта Олимпиада ўйинларида иштирок этган эдилар. Ўшандан буён Совет спорти байроғини Мелбурн ва Рим, Токио ва Мехико, Мюнхен ва Монреаль стадионлари узра баланд кўтариб ўтган атлетикачиларимизга Олимпиада чемпионларининг олтин медаллари 260 марта топширилди. XXII Олимпиада ўйинларида Олимпиадаларнинг бутун тарихида совет спортининг энг катта командаси қатнашади. Мусобақалар программасига киритилган Олимпиада ўйинларининг барча 203 турида 560 атлетикачи иштирок этади.

Монреалда ўтказилган Олимпиада қаҳрамонларидан бири, классик кураш бўйича Олимпиада чемпиони ва беш марта жаҳон чемпиони Николай Балбошин СССР Давлат байроғини В. И. Ленин номли стадионга олиб киради.

Парад қатнашчилари стадионнинг марказий минбар олдидаги ям-яшил майдонида саф тортиб турадилар.

«Олимпиада-80» ташкилот комитетининг раиси **И. Т. Новиков** микрофон олдига келади.

У бундай дейди:

Муҳтарам ўртоқ СССР Олий Совети Президиумининг Раиси!

Олимпиада оиласининг муҳтарам аъзолари!



**МОСКВА. 1980 йил 19 июль. Леонид Ильич Брежнев XXII Олимпиада ўйинларини очиқ деб эълон қилмоқда. Олимпиада машъали ёқилди.**
**А. Пахомов ва М. Скурихина фотоси. («ПРАВДА»дан).**

Чет эллик муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Ўртоқлар!

Москвада 1980 йилги Олимпиада ўйинларининг ташкилот комитети XXII Олимпиада ўйинлари бошланиши муносабати билан бугун бу ерга, Владимир Ильич Ленин номли Марказий стадионга йиғилган кишиларнинг ҳаммасини, жаҳон спорт жамоатчилигини қизғин ва сидқидилдан табриклайди.

Биз таклифномамизни қабул қилиб, ёшлик ва спортнинг мана шу ажойиб байрамида иштирок этиш учун Москвага ўзларининг спорт делегацияларини юборган миллий Олимпиада комитетларига ташаккур ва миннатдорчилик изҳор этамиз.

Москва шаҳри, ўн мингдаб совет кишилари ўйинлар спорт жиҳатдан, ташкилий ва техникавий жиҳатдан юксак даражада, Олимпиада хартияси қоидаларига тамомила мувофиқ равишда ўтказилишини таъминламоқ учун ҳамма ишни қилдилар.

Биз Москвадаги Олимпиада ўйинларида жаҳондаги барча қитъаларнинг спортчилари ўзларининг ютуқларини кенг ва мўътабар тарзда намойиш қилишларига, мазкур ўйинлар Олимпиада ҳаракатини ривожлантиришга янги омил бахш этишига, Олимпизмнинг олижаноб идеалларини оммалаштиришга, халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик, дўстлик ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беришига ҳаракат қилдик.

«Олимпиада-80» ташкилот комитетининг бутун фаолияти халқаро Олимпиада комитети, халқаро спорт федерациялари ва миллий Олимпиада комитетлари билан мустаҳкам алоқа боғлаган ҳолда амалга оширилди.

СССР Олий Совети Президиуми билан Совет ҳукумати XXII Олимпиада ўйинларига доимо катта мадад бериб турдилар.

Ташкилот комитети ўйинларнинг қатнашчиларига спортда энг юксак ютуқларга эришишларини ҳамда ҳалол ва тенг ҳуқуқли мусобақалар натижасида олимпиада мукофотларини олишларини тилайди.

Мен Халқаро Олимпиада комитетининг президенти лорд Килланинни сизлар билан таништириш шарафига муяссарман, уни сидқидилдан табриклайман.

Халқаро Олимпиада комитети президенти лорд Килланин ҳозир бўлганларга мурожаат қилиб, бундай деди: ҳурматли раис Новиков, меҳмонларни таништирганлигингиз учун ташаккур билдираман.

Мен бугун шу ерда барча спортчилар ва судьяларни кучли тазйиқ ўтказилганига қарамай, ўзларининг батамом мустақил эканликларини намойиш қилиб, мусобақаларга келишга аҳд қилган кишиларни алоҳида табриклаётганман. Мен шуни такрорлаб айтишим керакки, бу ўйинлар Халқаро Олимпиада комитетига тегишли бўлиб, уларни ўтказиш ҳуқуқи шаҳарнинг шундай ўйинларни ташкил этиш қобилиятига қараб берилади.

Бу ерда барпо этилган ажойиб иншоотларда барча сиёсий, диний ва ирқий тафовутлардан юқори туриб, чинакам ҳамжиҳатлик руҳида мусобақалашишингизни ҳаммангиздан илтимос қиламан. Ташкилот комитети Халқаро Олимпиада комитетининг қоидаларига ҳамиша риоя этиб келди.

1896 йили барон Пьер де Кубертен қайта тиклаган ҳозирги замон XXII Олимпиадасининг ўйинларини очиқ деб эълон қилишни президент Л. И. Брежневга таклиф этиш шарафига муяссарман.

**Леонид Ильич Брежнев** бундай деди:

Халқаро Олимпиада комитетининг муҳтарам жаноб президенти!

Жаҳон спортчилари!

Муҳтарам меҳмонлар!

Ўртоқлар!

Мен ҳозирги даврнинг XXII Олимпиадасини бошлаб берувчи 1980 йилги Олимпиада ўйинларини очиқ деб эълон қиламан!

Стадион узра гулдурос давомли қарсаклар янграйди, фанфаралар ва тантанавор садолари таралади. Совет спортчиларидан саккиз киши Олимпиаданинг ёйилган байроғини олиб чиқади. Унга фахрий эскорт-қўлларига кабутар ушлаб олган 22 спортчи ҳамроҳлик қилади. Олимпиада гимни ижро этилади ва ҳар хил рангдаги бешта халқа туширилган катта оқ байрок стадион узра оҳиста кўтарилади. Йигирма иккита оппоқ қуш кўкка парвоз қилади.

Югуриш йўлкасида XXI Олимпиада ўйинларининг ташкилотчиси бўлган Монреал делегацияси билан Олимпиада-80 пойтахти Москва делегациялари бир-бирларига пешвоз чиқиб келмоқдалар. Олимпиаданинг хилма-хил рангдаги — зангори, сариқ, қора, яшил ва қизил ранглардаги костюмларини кийган ва гулдаста кўтариб олган болалар ҳамда XXI ва XXII Олимпиадаларнинг эмблемалари туширилган байроқларни кўтариб олган спортчилар делегация аъзоларига ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Аъанага мувофиқ Олимпиаданинг расмий байроғи тўрт йил мобайнида Монреалда сақланган ва ҳозир Канада шаҳрининг вакиллари учун лорд Килланинга топширмоқдалар. ХОК президенти байроқни қарсаклар остида Совет пойтахти делегациясига тақдим этади. Кейинги Олимпиадагача ўтадиган тўрт йил мобайнида бу байроқ Москвада сақланади.

Болалар Москва ва Монреал делегацияларининг аъзоларига, Халқаро Олимпиада ҳаракатининг раҳбарларига гулдасталар билан эсдалик вимпелларини топширадилар.

Олимпиада машъаласи олиб кириладиган тантанали дақиқа етиб келади. Уч марта Олимпиада чемпиони енгил атлетикачи Виктор Санеев қўлида машъала кўтариб стадионга югуриб киради. Биринчи Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган қадимий Олимп қуёши нурларидан ёндирилган машъала дўстлик даракчиси сифатида Греция, Болгария, Руминия территорияси орқали Молдавия, Украина днёри, Россиянинг марказий районлари орқали олиб ўтилди. Сал кам беш минг километр йўл — дўстлик ва Олимпиада шон-шуҳрати йўли ортда қолди. Олимпиада байроғи ҳилпираб турган мачта ёнида В. Санеев машъалани машҳур баскетболчи Сергей Беловга топширади. С. Белов жаҳон спорт ўйинларида тўртинчи марта иштирок этмоқда.

Шарқий минбар қаторларидан узра бронза баркашга олиб борувчи оппоқ йўлка вужудга келади. Сергей Белов йўлкадан баландга чиқиб, ловуллаб турган машъалани боши узра баланд кўтаради ва Олимпиаданинг қатнашчилари билан меҳмонларини табриклайди. Машъала баркашга яқин келтирилади ва баркаш узра ёрқин аланга ловуллай бошлайди.

Олимпиада машъаласи Олимпиада ўтказилаётган Москва — тинчлик, дўстлик, эзгу ният шаҳри узра ёнмоқда! Минглаб кабутарлар Москва осмонига парвоз қиладилар.

Композитор Э. Артемьев Пьер де Кубертен сўзларига Олимпиада учун махсус ёзган «Спорт қасидаси» музикаси стадион узра машъала ёқилиши пайтида жўр бўлди.

Эй спорт!
Сен — тинчликсан!

Спортчиларнинг тантанали равишда қасамёд қилиш пайти бошланади. Атоқли совет гимнастикачиси ўнта Олимпиада медалининг соҳиби Николай Андрианов баланд овоз билан қасамёд қилади:

— Биз Олимпиада ўйинларида ўйин қоидаларини ҳурмат қилиб, олижаноблик руҳида, спорт шон-шуҳрати ва командаларимизнинг шонш арафи йўлида ҳалол мусобақаларда иштирок этамиз, деб барча спортчилар номидан ваъда бераман.

Машҳур совет спортчиси, учта Олимпиаданинг голиби, етти марта жаҳон чемпиони, эндиликда халқаро арбитр Александр Медведь супага кўтарилади. Стадион узра қуйидаги сўзлар янграйди:

— Биз — ушбу Олимпиада ўйинларида ўзимизнинг бўрчимизни чинакам спорт руҳи қоидаларига риоя этиб ва принципларига амал қилиб, батамом холисона бажарамиз, деб барча судьялар ва расмий кишилар номидан ваъда бераман.

Тантанали маросим охирида Совет Иттифоқи гимни ижро этилади.

Минбардаги экранда дунёнинг ҳамма томонларида севимли бўлиб қолган жилмайиб турган айиқча — Москва Олимпиадасининг рамзи пайдо бўлади.

Стадионда гулдурос қарсаклар бошланади. Телевизион таблода космос қаҳрамонлари Леонид Попов билан Валерий Рюмин пайдо бўлади. Уч ойдан кўпроқ вақтдан буён коннот бўшлиқларида вахтада туриб ишлаётган мард совет космонавтлари олимпиадачиларга самимий табрик сўзлари билан мурожаат қилиб, уларга бахтли стартлар тилайдилар.

Байрамнинг иккинчи, якунловчи қисми — оммавий спорт бадиий намойишлари бошланади. Мана шу кўркам томошада 16 мингга яқин спортчи, ҳаваскор ва профессионал артистлар иштирок этдилар.

Москванинг даракчи сигнали жаранглайди. Стадионнинг ям-яшил майдонида қуёш чақнагандек бўлади. Бу композицияни совет ёшларининг вакиллари Олимпиадачиларга бағишлаб яратишган. Марказда Советлар мамлакатининг Давлат байроғи. Уни кўп миллатли Совет давлатини ташкил этувчи иттифоқдош республикаларнинг байроқлари ўраб турибди.

Минбарларнинг бирида ўзига хос экран жойлашган. Минглаб спортчилар ранг-баранг байроқчаларни моҳирлик билан ҳар хил ҳолатда ва кўрсатиб, майдондаги манзараларни ифодалайдилар.

Бутун майдонда эса хушчақчақ, шўх замонавий куйлар билан рақс давом этмоқда. Рақс манзараси тез-тез ўзгариб турибди. «Халқлар дўстлиги» хореографик сюитасининг қатнашчилари қуёш спектрининг ҳамма ранглари ўзига сингдириб олган кенг, жўшқин оқимдек стадионга кириб келади.

Халқ талантлари чашмаси ҳақиқатан ҳам битмас-туганмасдир! Барча ўн бешта иттифоқдош республикаларнинг хореографик фольклор ансамбллари Олимпиада пойтахтига ёрқин, ўзига хос санъатини олиб келиб, халқ ижодиётининг энг яхши намуналаридан ташкил топган гулчамбарларни ўйинларнинг қатнашчилари ва меҳмонларга тортиқ қилдилар. Ранг-баранг хореография томошалари шу қадар маҳорат билан ва кўркам ижро этилдики, минбарларда тез-тез қарсаклар янграб турди. Учиб кетаётган турналарни эслатувчи лирик белорусс рақсидан кейин чавандознинг белоён даштлардаги парвози каби шиддатли қозоқча рақс бошланиб кетади. Грузиядан келган рақкосларнинг мардонавор жўшқин рақси ўрнини ҳажвга тўла украинча гопак рақси олади. Бу ўзига хос фестиваль Россиянинг ўзи каби кенг ва белоён рус рақслари билан ниҳоясига етди. Халқ ғайрат-шижоатининг рамзи сифатида стадионнинг югуриш йўлкаларидан қуюндек учиб ўтган тройкалар рақсларга ҳамоҳанг бўлиб қўшилди.

Байрам эстафетасини спортчилар қабул қилиб олдилар. Физкультура институтларининг студентлари намойиш қилган гимнастика программаси атлетик жиҳатдан мураккаб эди. Қизларнинг ўйини ўзгача муқоми билан фарқ қилади. Улар кўрсатган спорт рақси-нафосат, поэзия, ёшликнинг ўзгинаси эди. Спортчиларнинг келишган қоматлари ҳосил қилган гилам марказида Олимпиада машъалининг шуъласи тушгандек, аланга ловуллаб шамолда лопиллаб тургандек бўлади: бадиий гимнастика усталари тилла ранг-ола лентаслар билан рақсни астойдил беролиб ижро этадилар. Шундан кейин коптоклар билан ижро этиладиган шиддатли композиция бошланиб кетади.

Ўйинлар бошланадиган куни Лужникида иштирок этиш ҳуқуқини спортчилар машаккатли «Олимпиада конкурси»да беллашиб қўлга киритишларига тўғри келди: «Спартак», «Буревестник», «Динамо», «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятларининг, армия спорт коллективларининг энг яхши физкультурачилари мана шу шарафга сазовор бўлдилар.

Майдонда улкан гимнастика зали вужудга келади. Спортчилар турникда гир айланмоқдалар, конъда ва бошқа спорт снарядларида машқ қилиб, куч-қувват, эпчиллик, бенуқсон ҳаракат намуналарини кўрсатмоқдалар. Совет Иттифоқи терма командасининг аъзолари бўлган акробатлар жуда кўп гоят мураккаб сакраш усулларини томошабинларга намойиш қилдилар.

Бизнинг қадрдонимиз айиқча эпчиллик ва дадиллиқда спорт юлдузлари билан гўё мусобақалашаётгандек минбардаги экранда пайдо бўлиб батутда шоввозлардек сакрайди, бруслар устидан сакраб ўтади.

Стадион табассумга тўлади: тугилган кун тўғрисидаги (афсуски, у йилига фақат бир марта бўлади) машҳур қўшиқ оҳанглари остида болалар автопоезди югуриш йўлкасига ёиб келади. Ҳар бир машинанинг усти мувақкат майдонча бўлиб, унда гимнастикачи болалар машқ қилишмоқда.

Булар мультфильм қаҳрамонларига ўхшаб кетади: автобуслардан қувноқ айиқчаларнинг бутун бир отряди майдонга сакраб тушиб зарядкага сафланишга югуришади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас: Олимпиада тумори вазифаси айиқчалар зиммасига доимо аъло спорт ҳолатида бўлиб туриш мажбуриятини юклайди.

Сочларига ленталарни капалаксимон қилиб боғлаб олган қизчалар уларнинг ўрнига чиқадилар. Қизчалар ўзларининг содиқ дугоналари — қўғирчоқлар билан машқ қилмоқдалар: бола болалигини қилади-да! Аммо намойиш қилаётган маҳоратлари мутлақо болаларга хос эмас, бунга ажабланмаса ҳам бўлади: томошабинларга шунча завқ бахш этган болаларнинг кўпчилиги спорт мактаби ва мастерликка номзод фахрий унвонларга эга.

Улар Олимпиадада илк бор қачон қатнашишларини айтиш қийин, бироқ уларнинг баъзилари олимпиадачилар бўлишларига шак-шубҳа йўқ. Ўзларнинг тенгдоши — командамизнинг энг ёш қатнашчиси сувга сакровчи қиз ереванлик пионер Сильва Эмирзян Совет Олимпиада дружинасига кирди-ку, ахир.

Оммавийлик — совет спорти муваффақиятларининг негизидир. Бизнинг малакатимизда аҳолининг учдан бир қисми физкультура билан шуғулланади. Олимпиада медалларига олиб борадиган йўл мактаб партасидан бошланади. Бутуниттифоқ мактаб ўқувчилари спартакиадаларини ҳақли равишда «кичик олимпиадалар» деб аталдилар. Ана шу спартакиадаларнинг мусобақаларида 30 миллион бола қатнашади. Бугун бизнинг бўлажак олимпиадаларнинг қатнашчиларидир!

Яшил майдонда — Олимпиаданинг беш халқаси. Спортчилар, ҳар бир халқанинг ичида кўп каватли пирамидаларни ҳосил қиладилар. Бутун композиция узра эса Олимпиада машъаласи порлаб турибди. Бу машъала икки ҳафта мобайнида жаҳондаги энг кучли атлетикачиларнинг мусобақаларини нурафшон этиб туради.

Минбардаги экранда пайдо бўлган глобусда қизил юлдузча порлайди — бу Москва. Халқаро Олимпиада ҳаракатининг олижаноб идеалларига қўшилаётган барча спортчиларни бугунги кунда ҳамма йўллар Москвага бошлаб келмоқда. Шунинг рамзи сифатида глобусда Олимпиада бешта халқаси рангидаги стрелкалар жаҳон ўйинларга пойтахтига қаратилган. Стадион узра «Москва старт беради» қўшиғи тантанавор янграйди.

Сенга омад тилаймиз, XXII Олимпиада ўйинлари!

**Репортажни ТАССнинг махсус мухбирларидан А. Белников, Ю. Буряк, В. Жалагония, В. Куликов, Г. Хачкованян олиб бордилар.**

*МЕҲНАТКАШЛАР ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМИ БЎЙИЧА ШАҲАР КЕНГАШИДА*

# Ўқув самарадорлигини оширайлик

Иқтисодий таълимнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш, назариянинг меҳнат коллективлари иши билан алоқасини мустаҳкамлаш юзасидан республика пойтахти партия ташкилотлари, меҳнаткашлар иқтисодий таълими бўйича кенгашларнинг раислари доимий ишловчи семинарининг Тошкент шаҳар партия комитетида бўлиб ўтган ва ўқув йили якунларига бағишланган навбатдаги машғулотида ана шу ва бошқа мисоллар келтириб ўтилди. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари, иқтисодий таълим бўйича шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари Б. Ғ. Халилов беш йилликнинг якунловчи босқичида иқтисодий ўқувнинг аҳволи ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари тўғрисида доклад қилди.

Докладчи иқтисодий таълимни ташкил этишнинг ижобий тажрибаларини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу борада айниқса «Таштекстильмаш» заводи, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бой тажриба тўпланган. Бу корхоналарнинг кенгашлари ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг бой тажрибаларини ўрганишга, таълимнинг кўргазмали воситалар, методик тавсиялар, техника воситаларини кенг қўллашга катта эътибор беришляпти. А. Қодирова, Л. Ли ва бошқа энг яхши пропагандистларнинг иш тажрибаларига бағишлаб, алоҳида брошюралар тайёрланган.

Ҳар икки корхонанинг иқтисодий таълим бўйича кенгашлари ўқувнинг турли форма ва методларини амалда кенг қўллаб, кўпчилик тингловчиларнинг муваффақиятли рефератлар ёқлашларига эришмоқдалар. Бу рефератлар ишлаб чиқариш коллективи олдида турган энг муҳим вазифаларни ҳал этишга бағишланган.

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети раҳбар кадрларнинг ғоявий-тарбиявий ишдаги иштироки муҳим эканлигини назарда тутиб, улар учун «КПСС идеология ишларининг актуал масалалари» мавзуида назарий семинар ташкил этди. Тингловчилар мана икки йилдирки, идеология ишларининг асосий йўналишларини, партиянинг оммаининг тарбиячиси сифатида раҳбарлар олдига қўйган талабларни, коммунистик тарбиянинг назарияси ва практикасини ўрганмоқдалар.

Бироқ, бир қатор корхона ва ташкилотларда, деб таъкидланди доклад ва музокараларда, иқтисодий ўқувнинг савияси ҳали шу куннинг талабларига жавоб бермайди. Масалан, «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллиги номидаги, «Средазэлектроаппарат», «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмалари, тўқимачилик комбинати, тепловоз депоси, 3-автокомбинатда, «Чилонзор» савдо марказида, 153-қурилиш трести, «Средазгипроводхлопок» илмий тадқиқот институтида машғулотларнинг самарадорлиги ва сифатини шаҳар кенгаши текширган пайтда шу нарса маълум бўлдики, бир қатор мактабларда машғулотлар паст савияда ўтяпти, тингловчиларда қизиқиш уйғотмаяпти, уларнинг план ва социалистик мажбуриятларни бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашига амалий таъсир кўрсатмаяпти.

Кенгаш ўтказилган социологик тадқиқотларнинг якунларини муфассал таҳлил этди ва йўл қўйилган камчиликларга барҳам беришга қаратилган конкрет тавсиялар ишлаб чиқди. Тажриба шуни кўрсатдики, бу тадбирлар ўз самарасини берди. Мактаблар ва кенгашларнинг раҳбарлари билан ташкилий-методик иш муайян даражада яхшиланди, тингловчиларнинг активлиги ошди, назариянинг амалиёт билан алоқаси мустаҳкамланди.

Узаро иш тажрибалари алмашишди. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнатни илмий ташкил этиш бўлими бошлиғининг ўринбосари, кенгаш аъзоси, иқтисодий таълим бўйича методик секция раҳбари М. И. Лопатников иқтисодий таълим мактаблари раҳбарлари шахсий ижодий планларининг аҳамияти тўғрисида гапириб берди. Электрон-техника заводи план бўлимининг бошлиғи, кенгаш раисининг ўринбосари З. Н. Шулепова иқтисодий таълимнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиори остидаги социалистик мусобақа иштирокчилари сафининг кенгайишига таъсири тўғрисида гапириб берди. Трактор заводининг план-иқтисод бўлими бошлиғи В. В. Житкова иқтисодий таълим мактабларида илғор тажрибаларни ўрганиш масалаларига тўхталиб ўтди. Чинни заводи кенгашининг раиси М. Д. Клейман иқтисодий таълимнинг самарадорлигини янада ошириш, унинг социалистик мусобақа жараёнига таъсири ҳақида гапирди. «Экономика и жизнь» журнали редактори Н. П. Ковинев Бошқирдистонда новаторлик дарсларини ташкил этиш ва ўтказиш тажрибаси тўғрисида гапириб берди.

Тўпланганлар янги ўқув йилида ва келгуси ўн биринчи беш йилликда иқтисодий таълим самарадорлигини янада ошириш вазифаларини муҳокама қилдилар.

---

**Бугун Тошкент тўқимачилик комбинатида**

*Ишчи ворислари тайёрлаш — бизнинг вазифамиз*

# Ўринбосарлар келишди

Бу комбинатда анъанага айланиб қолган. 85-ҳунар-техника билим юрти ва бошқа ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари ўқув йилини тугатишгач, ишчи синфи сафига тантанали равишда қабул қилинмоқдалар. Бу байрамона шодиёна кунда ветеранларнинг эътибори ёшларнинг қалбларида узоқ муддат сақланиб қолади. 85-ҳунар-техника билим юрти ва бошқа билим юртларини тугатган 90 нафар қиз яқинда 1-йигирув-тўқув фабрикасида практика ўтадилар. Қизлар бу давр мобайнида тўқувчилик, йигирувчилик, ростловчилик касбларини пухта эгаллаб олдилар.

Ўз сафига ишлаб чиқариш ўқуви инструкторлари, смена мастерлари меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг вакилларини олган малака комиссияси 8 июлда ёш ўринбосарларнинг малакасини синовдан ўтказди. Унда маршрутга риоя қилиш, илғор иш усулларининг ўзлаштириб олганликлари, меҳнат жараёнларини тезкорлик билан баҳаришлари текширилди. Комиссия аъзолари уларнинг ҳаракатларини синчковлик билан кузатдилар. Шунинг учун ҳам қўйилган ўртача балл «яхши»дан иборат бўлди.

Қизларни норасмий вазиятда бир пиёла чой билан чин қалбдан табрикладик. Фабрика маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари «янги»ларга ҳақиқий тўқимачи бўлиб етишишларига қатъий ишонч билдирдилар ва оқ йўл тиладилар. Уларнинг куч ва билимларини корхонанинг шон-шуҳрати учун сарф этажакларига ишонч билдирдилар.

— Бизнинг устозимизга жуда катта раҳмат, — деди қизлар номидан сўзга чиқкан М. Инозарова,— қизларни ростлаш касбига ўргатган Е. С. Волкова. — Елена Степановна биз учун куч ва вақтини аямади.

Тўқувчилик касбини ўзлаштириб олган С. Ким ҳам сўзга чиқди. У мастер И. Кулешовга чин юрақдан миннатдорчилик билдирди.

— Ўқув ва практика даврида,— деди Светлана,— биз кўп нарсани, энг муҳими коллективда ишлашни ўрганиб олдик. Биз эндиликда шуни яхши биламизки, меҳнат ветеранлари ҳар қандай вазиятда ҳам бизга ёрдам беришга тайёрдирлар. Шунинг учун ҳам қатъий ишонч билан меҳнат қилгинг келади.

— Бугун сизлар мустақил ҳаётга қадам қўйдингиз,— деди кадрлар тайёрлаш бўлимининг катта инженери О. Е. Толстих.— Энди мустақил иш фаолиятларинг и з н и бошлайсизлар, кўпгина масалаларни ўзларингиз ҳал этишларингизга тўғри келади.

Чиндан ҳам шундай. Мустақил ҳаёт йўлини танлаш пайти етди. Қизлар ўзларининг ишлаб чиқариш биографияларини белгилаб олдилар. 20 нафар ёш ишчи 3-цехда бригада пудрати асосида ишлашга бел боғлади.

**В. СОМОВА,**

**1-йигирув-тўқув фабрикасининг кадрлар тайёрлаш бўлими инженери.**

---

## Хроника, воқеалар, фактлар

✦ 3-фабриканинг йигирувчилари Панюса Гиззатулина, Людмила Крикун ва Вера Камарова ишчи маҳорати конкурсининг лауреатлари бўлдилар. Уларнинг асосий мақсади — корхонанинг илғор йигирувчилари маҳорати даражасига эришиш амалга ошмоқда.

Бу ишчилар топшириқларини мунтазам равишда ошириб бажаряптилар, назарий билимларини бойитмоқдалар, меҳнат ветеранларининг тажрибасини кундалик ишда қўллашга интиляптилар. Конкурс ғолибларига бошқа ёшлар ҳам тенглашишга ҳаракат қиляптилар.

✦ Тўқимачилик комбинати коммунистларининг сафи ортиб бораяпти. Фақат кейинги тўрт йил мобайнида бу ерда партия сафига 546 киши қабул қилинди, шундан 400 нафари аёллардир. 450 нафар ёш тўқимачи комсомол тавсияси билан партияга қабул қилинди. Коммунистлар сафидагиларнинг 249 нафари олий маълумотли, 86 нафари эса олий маълумот олиш арафасида турибди.

✦ Юксак малакали кадрлар — тўқимачилик комбинати медицина-санитария қисмининг фахри ҳисобланишади. Ҳозир бу ерда 5 та медицина фанлари кандидати ишлаяпти. Корхонанинг саккиз нафар врачига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» деган фахрли унвон берилган, 20 нафари эса «СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишони билан мукофотланган. 115 нафар врачдан 72 таси олий категорияли врачдир.

✦ Шанба ва якшанба кунлари кўплаб ишчилар дам олиш кунларини қувноқ ўтказадилар. Уларнинг кўплари тўқимачиларнинг Тошкент дангизи соҳилидаги дам олиш зонасига борадилар. Шунингдек, Чимён тоғ ён бағрида мириқиб ҳордиқ чиқарадилар.

Жумладан, яқинда 85-ҳунар-техника билим юртининг бир группа ўқувчилари Хўжакентга дам олишга чиқдилар.

---

Тошкент пластмасса ва кимё маҳсулотлари заводи коллективи социалистик мусобақани авж олдириб, меҳнат қилмоқда. Сиз суратда корхонанинг илғор ишчиси Роза Кафидуллинани кўриб турибсиз. Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга сазовор бўлган бу аёл кунлик топшириқларини ортиғи билан адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

---

# ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## Қўллаб — қувватламоқдалар

ГАВАНА. Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Республика Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Ф. Кастро бундай деди: Никарагуа олдида мамлакатни тиклашдан иборат қийин вазифалар турибди. Куба бу вазифаларни ҳал этишда Никарагуага астойдил ёрдам беришни давом эттиравради.

Сандиночи халқ революцияси ғалаба қилган куннинг бир йиллиги яқинлашиб қолганлиги муносабати билан Ф. Кастро Никарагуа миллий тикланиш ҳукуматининг раҳбар кенгашига йўллаган мактубида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: бу революциянинг ғалабаси истиқлол ва эксплуатация зулми остида азоб чекаётган Марказий Америкадаги ва бутун қитъадаги халқлар учун илҳомбахш ўрнак бўлиб қолди.

Биз, дейилади мактубда, сандиночилар ғалабаси халқнинг катта мадади билан қай тарқа мустаҳкамланаётганлигини, меҳнаткашлар ва студентлар революцияни қандай ҳимоя қилаётганликларини, вайронгарчилик келтирган уруш оқибатларини тугатиш учун барча кучларини қай тарзда сафарбар қилаётганликлари н и, саводсизликни тугатиш кампанияси кенг авж олиб бораётганлигини кўриб қувонмоқдамиз.

Ф. Кастро Никарагуанинг актив ташқи сиёсати муҳим эканлигини уқтириб ўтди. Никарагуа, деди у, жаҳондаги прогрессив революцион ҳаракатнинг биринчи сафларида муносиб иш кўрмоқда.

## БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК

МАНАГУА. Никарагуа пойтахти умумхалқ байрами — сомосизм агдариб ташланганлиги ва 19 июль революцияси ғалабасининг бир йиллигини кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда. Жуда катта майдонни қуриш ниҳоясига етай деб қолди. Меҳнаткашларнинг оммавий намойиши ва озод Никарагуа тарихида биринчи марта ҳарбий парад шу ерда ўтказилади. Манагуанинг турли районларида байрамга тайёргарлик кенг кўламда олиб борилмоқда: уйлар ва кўчалар ремонт қилинмоқда, мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилмоқда. Шаҳар миллий бирликни мустаҳкамлашга ва халқ революцияси ғалабаларини ҳимоя қилишга даъват этувчи ранг-баранг транспарантлар ва плакатлар билан тобора кенг безатилмоқда.

Европа, Австралия ва Лотин Америкасидан туристларнинг дастлабки группалари ҳозирдаёқ Манагуага келишди. Байрамда қатнашиш учун жуда кўп меҳмонлар— давлат раҳбарлари, сиёсий ва жамоат арбобларининг яқин кунларда бу ерга келиши кутилмоқда. Меҳмондўст Никарагуа халқи уларга «хуш келибсиз!» демоқда.

## Мисли кўрилмаган иссиқ ҳаво

НЬЮ-ЙОРК. Қўшма Штатларнинг жанубий ғарбида давом этаётган жазирама иссиқ ҳаво мамлакатнинг шарқий ва шимолий томонларига тарқалиб, ҳозиргача қариб 13 штатни қамраб олди. Бу ерда икки ҳафта мобайнида температура 45 даражадан пастга тушмаяпти. Кучли қурғоқчилик натижасида парандалар қирилиб кетмоқда, ҳосилга катта зарар етган. АП агентлигининг хабар беришича, 15 штатда 328 киши узоқ давом этаётган жазирама туфайли ҳалок бўлган ва уларнинг сони тобора кўпаймоқда. Биринчи навбатда қариялар ва шаҳар аҳоли тигиз яшайдиган кулбаларида камбағаллар ҳалок бўлмоқда.

Мотнтан, Техас, Жанубий Дакота штатларида қурғоқчилик туфайли қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг учдан бир қисмидан кўпроғи нобуд бўлди. Фермерлар боқиш ва суғориш иложи бўлмаганлиги учун молларини сўйишга мажбур бўлмоқдалар. Арканзас штатидаги 12 та қишлоқ хўжалик округининг ўзида 7 миллиондан зиёд жўжа нобуд бўлди.

Кўпгина шаҳарларда ичимлик сув ниҳоятда танқис бўлиб қолди. Бир ойдан бери ёмғир ёғмаётганлиги туфайли аҳолини сув билан таъминлаш ҳавзаларида сув жуда камайиб кетди.

Техас, Аризона ва Колорадо штатларининг бир қанча районларида, ўрмонларда ёнғинлар чиқиб, ҳозиргача 10 минглаб гектар ердаги дарахтларни йўқ қилиб юборди.

Метеорологлар ўз маълумотларида яқин вақтларда Қўшма Штатларининг жанубий ғарбида ва жанубида яшайдиган аҳоли учун ҳаво яхшиланиши тўғрисида вазда бермаяптилар. Уларнинг фикрига кўра, бу районларда иссиқ ҳаво узоқ вақт сақланиб қолса керак.

## Санъат — халққа

ГАВАНА. Куба пойтахтидаги миллий санъат мактабида, шунингдек бу мактабнинг Камагуэ, Ольгин ва Сантьяго-Де-Кубадаги филиалларида тантанали битириш маросими бўлиб ўтди. 257 йигит ва қизга мактабни битирганлиги тўғрисида диплом топширилди. Улар музика, балет, тасвирий санъат, халқ рақсидан таълим олдилар. Гаванадаги Гарсия Лорка номли театрда ёш артистларнинг дастлабки чиқишлари бўлиб ўтди. Улар энди маданият саройларида, завод клубларида, фабрика, қишлоқ хўжалик кооперативлари клубларида инструктор бўлиб ишлайдилар.

## Социал ўзгаришлар

СОЛСБЕРИ. Зимбабве ҳукуматининг қарорига мувофиқ тузилган давлат комиссиясининг асосий вазифаси — кенг халқ оммасининг моддий аҳволини жиддий суратда яхшилаш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқишдан иборат. Давлат комиссияси меҳнаткашларнинг иш ҳақини умуман ошириш, аҳолига текин билим бериш ва медицина хизмати кўрсатишни жорий этиш, болалар яслилари ва боғчаларининг кенг шахобчалари бўлган мактабгача тарбия умуммиллий системасини вужудга келтириш тўғрисидаги масаласини кўриб чиқиши керак. Комиссиянинг хулосалари, дейилади ҳукуматнинг бу ерда эълон қилинган қарорида, тегишли қонун лойиҳасини тайёрлаган вақтда қўшимча ҳақиқий материал бўлиб хизмат қилади. Бу қонун лойиҳаси парламентнинг навбатдаги сессияси муҳокамасига ҳавола этилади.

Комиссиянинг таъсис этилганлиги — ҳукумат программасини амалга ошириш йўлидаги дастлабки босқичдир. Бу программада Зимбабве аҳолиси турли табақалари манфаатларини кўзлаб, социал-иқтисодий ўзгаришлар ўтказишни кўзда тутади. Илгари республика парламенти ишчи ва хизматчиларнинг кам иш ҳақи оладиган категориялари учун маош минимумини белгилаш тўғрисидаги қонунни қабул қилган эди.

## «ДИН ПЕШВОЛАРИ» ЖОСУС РОЛИДА

ТЕҲРОН. Теҳронда Ватиканга қарашли католик мактабларининг бирида топилган ҳужжатлар унинг ходимлари Исроилнинг махсус маҳкамаларининг манфаатларини кўзлаб, Эронга қарши жосуслик билан шуғулланганлигини тасдиқлайди. Аслини олганда, Исроил разведкаси бу мактабни Теҳронда ўзининг жосуслик марказига айлантирган.

Шу муносабат билан «Қайҳон» газетаси қуйидагиларни ёзади: семинарнинг «Дин пешволари» ибодатдан бошқа вақтда кийиб юриладиган устки кийимлардан жосуслик фаолиятини яшириш учун фойдаланадилар. Эрон, Саудия Арабистони, Иордания ва Ливанда жойлашган католик мактабларининг фаолиятига раҳбарлик қилувчи марказ Исроилда жойлашган ва ана шу «мактаблар»нинг ходимлари марказнинг вакиллари билан, Исроил разведкаси билан доим алоқа боғлаб келган.

Бундан ташқари, семинарда топилган материаллардан маълум бўлишича, унинг ходимлари агдариб ташланган режим тарафдорлари билан алоқа боғлаганлар.

«Қайҳон» газетасининг ёзишича, семинар ходимларидан бири тинтув вақтида қандайдир материалларни ёндирмоқчи бўлган. Бу материаллар кинопленкадан ва «жосуслик уяси» — АҚШ элчихонасининг карта-схемасидан иборат эканлиги кейинчалик аниқланди. Бу карта-схемада элчихона районидаги қўриқловчи бўлинмаларининг жойлашган ерлари кўрсатилган. Мактабда ўқув юрти ходимларининг Исроил разведкаси билан ҳамкорлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, яширин белгилар билан ёзилган хатлар, шунингдек ҳарбий объектлар ва бошқа объектларга киришу учун берилган турли пропуска ва гувоҳномалар ҳам топилди. Форс агентлигининг хабар беришича, семинарнинг барча ходимларини хавфсизлик органлари кузатиб турибди ва уларнинг Эрондан чиқиб кетишлари тақиқланди. Исроилнинг жосуслик маркази фош қилиниши муносабати билан Эрон ташқи ишлар министрлиги бугун қуйидагиларни хабар қилди: ташқи ишлар министрлиги Ватикан билан алоқа боғлаб, бу масалани дипломатик йўл билан суриштириб билмоқда.

---

СОВЕТЛАР ҲАЁТИ

# ДЕПУТАТЛАР ТАШАББУСИ

**Бошқаларга хизматда ўрнак бўлиш, ахлоқ намуналарини кўрсатиш — халқ депутатларининг шарафли бурчидир.**

Гап фақат шахсий намуна кўрсатишдагина эмас, энг муҳими— халқ депутатларининг ишдаги ўртоқларига, умуман коллективга шахсий муваффақият билан қандай таъсир кўрсата билишидадир. В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг депутатлик группаси аъзолари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш юзасидан тадбирларни муҳокама этганларида айнан шу ҳақда сўз юритилди.

Бу сўз ҳаммани қизиқтириб қолди. Шундан кейин ҳар бир депутат ишлаб чиқаришнинг қайси бир участкасида меҳнат қилаётган бўлмасин, илғорлар сафини ўстириш учун ўзи билан ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган ишчига иш тажрибаларини ўргатиши керак, деган қарорга келишди. Улар давлат топшириқлари ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилиши юзасидан тадбирлар белгилаб олишди.

Депутатларнинг ана шу фикр-ўйлари «Бугунги топшириқни кечаги кўрсаткичдан кўра юксакроқ даражада бажарайлик, эртага бугунгидан кўра кўпроқ ва яхшироқ меҳнат қилайлик!», деган шиорга айланиб кетди. Ана шу шиорни кўпгина коллективлар қўллаб-қувватлаган. Масалан, А. Зияев бошчилик қилаётган бригада маҳсулот ишлаб чиқариш нормасини доимо ошириб бормоқда ва 1980 йил топшириғини сентябрда бажаришга қарор қилди.

Яхши ташаббуснинг қаноти бор дейдилар. Лекин ташаббуснинг ўзигина етарли эмас. Аввало у кўпчилик томонидан маъқулланиши, кенг қулоч ёйиши, энг муҳими эса, салмоқли натижа бериши керак. Шунинг учун ҳам депутатлар группаси ишнинг самарали бўлишини таъминлайдиган шартларнинг бажарилишини назорат остига олишга қарор қилди: ускуналарни ремонт қилиш ва пардозлаш, ошхона ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишини, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигининг аҳволи устидан назорат олиб бориш шулар жумласидандир.

«Ташсельмаш» заводидаги халқ вакиллари ҳам худди ана шу йўлдан бормоқдалар. Улар партия XXVI съезди шарафига қўшимча меҳнат марраларини белгилашга фаол қўшилдилар, оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар. Бунда ялпи маҳсулот ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бўйича ўнинчи беш йиллик топшириғини — 24 сентябрга, маҳсулот реализацияси топшириғини эса, — 7 ноябрга бажариш кўзда тутилган. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш бўйича беш йиллик планни муддатидан қарийб тўрт ой илгари бажариш кўзда тутилган.

Кейинги пайтларда бизнинг депутатларимиз район хўжалигини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этган долзарб масалаларни ҳал этишда кўпроқ коллектив бўлиб қатнашмоқдалар. Улар бу ишга шунинг учун ҳам берилганларки, ҳамма вақт жўшқин ҳаёт билан бирга бўлиш, воқеаларнинг боришида фаол таъсир ўтказишдек бурчларини унутмаганлар. Шунинг учун ҳам район саноат корхоналарининг коллективлари йил бошидан буён планга қўшимча равишда 9,7 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишида халқ депутатларининг катта хизматлари бор.

Лекин бу ерда бошқа нарса тўғрисида — сайловчилар наказларининг муваффақиятли бажарилаётганлиги район хўжалигини ривожлантиришда ўзининг аксини топаётганлиги тўғрисида ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Меҳнаткашлар томонидан тушган наказларнинг 26 тасини 1980 йилда бажаришга қабул қилинган ва улар бажарилмоқда. Бу ишга ҳамма депутатлик группалари жалб этилган. Районни бундан буён янада ободонлаштириш, аҳолига транспорт, савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, болалар боғчалари ва мактаблар қурилишини илгаригидек кун тартибига биринчи қилиб қўйиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда депутатларнинг кучгайратлари ва ёрдамлари туфайли 6 минг квадрат-метрга яқин йўл ва тротуарлар ремонт қилинди, Сельмашская, Зебо Шамсуддинова, Хатирчи ва бошқа кўчаларда комплекс ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, Авиасозлар шаҳарчасида сабзавот ярмаркаси барпо этилмоқда. «Роҳат» кўли яқинида фойдаланилмай ётган 17 гектар майдонда дам олиш зонаси барпо этишга киришилди. Генерал Петров кўчаси кенгайтирилмоқда ва ҳоказо.

Депутатлар ана шу жамоатчилик вазифаларини ишлаб чиқариш топшириқлари билан узвий боглаб олиб бормоқдалар. Улар иш жойларида ва ҳаётда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш юзасидан депутатлар бошланган ташаббуслар қандай босқичда эканлиги ҳам район Совети эътиборида. Айниқса, биринчи бор сайланган 109 депутатнинг фаолиятини оширишга алоҳида эътибор берилган. Ҳар кварталда «Депутатлик куни» ўтказиб, унда халқ вакилларининг иш тажрибалари ўртоқлашилади.

Ўнинчи беш йиллик тугалловчи йилининг иккинчи ярми бошланди. Район саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларининг коллективлари ўртасида москваликлар ва КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш юзасидан оммавий мусобақа бошлаш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббуси тобора кенг қулоч ёймоқда. Район Совети ижроия комитетининг вазифаси ҳам— халқ депутатларининг ижодий ва меҳнат фаолиятини оширишдан, уларнинг ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришларига эришишдан иборатдир.

**Ж. ШАХБОЗОВ,**

**халқ депутатлари Ҳамза район Совети ижроия комитетининг ранси.**

---

Пойтахтимизнинг Хадра майдони кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бу ерда қад кўтараётган муҳташам турар жой бинолари, янги маданий-маиший комплексларга уйғунлашган ҳолда ягона меъморчилик ансамблини ташкил этяпти.

2 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

СУРАТДА: Аҳмад Дониш проспектининг Хадра майдонидан бошланадиган қисмида қад кўтарган янги уй-жой комплекслари.

И. Шоиноғомов фотолари.

## Илғорлардан ўрнак олиб

Тошкентдаги «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи мотористкаси Полина Семёновна Новосельцева ҳар куни икки смена топшириғини бажармоқда. У москваликлар ва ташаббусига жавобан, Октябрнинг 63 йиллигини беш йиллик бошидан буён ўн йиллик иш топшириғини бажариш билан кутиб олишга қарор қилди.

Полина Семёновна технология жараёнларининг барча операцияларини мукаммал ўрганиб олган ва ҳар бирини нормада кўзда тутилганидан икки баравар тезроқ бажара олади. Бу унга иш вақтидан унумли фойдаланиш имконини беради. Тежаб қолинган вақтда илғор ишчи планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаради. Новосельцеванинг иш тажрибаси корхонада ишлаб турган коммунистик меҳнат мактабининг асосини ташкил этган.

Корхонада Октябрнинг 63 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақа авж олган. Меҳнат мусобақаси ғолибининг тажрибасини ўрганган бирлашманинг 680 ишчиси шу кунгача 1980 йил программасини бажаришга қарор қилди.

---

⊙ ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

БУГУН

# УЙЛАР ТАХТ

**пойтахтимизнинг 1-Сергели массивида 1-уйсозлик комбинатининг коллективи яна учта турар жой биносини фойдаланишга топширди.** Бу уйларга шаҳримизнинг 150 хонадони кўчиб ўтади. Уйларга УОР-3 бригадалари сайқал берганлар. Монтаж ишларини эса шу бошқарманинг қурувчилари бажарганлар.

Қурувчилар кунигача бу ерда комбинат бригадалари томонидан яна еттита турар жой бинолари қурилади. Қурилишнинг умумий майдони 21 минг квадрат метрни ташкил этади.

**М. ФЕЛЬДМАН.**

# Адабиёт ва Санъат

## МАНЗАРА

Қушлар қўшиғида баҳор жаранглар,
Баҳор гулларидек товланар ранглар.
Гуллар атрин сепиб бутун оламга,
Хаёлимдек оппоқ ёришар тонглар.

Чақмоқлан чатнади самонинг юзи,
Яралаб қўрқинди осмоннинг кўзи.
Шодликдан булутлар тўкди ёшини,
Бахтидан баҳорнинг юзи қизмизи.

Қизлар кулкисида ўзгача маъно,
Қалбларин ром этмиш ишқ деган
савдо.
Баҳорнинг овози дўриллар баланд—
Бу— йигит қалбидан чиққан
акс-садо.

Ёшлар қўшиғида шодлик жаранглар,
Қизлар яноғида товланар ранглар.
Жилғалар куйига бўлиб жўр овоз,
Қалбимдан қуйилар оппоқ оҳанглар!

Қўчқор ТЕШАБОЕВ.

## ШАБНАМ

Оқаради сулув субҳидам,
Жўшқин ҳаёт кирар қишлоққа.
Қуёш нурли қалами билан,

Ғазал битар сулув ялпоққа.
Фурсат ўтиб шоир Қуёшнинг
Магриб узра эгилгач боши.
Ялпоқ кутиб содиқ сирдошин,
Шабнам бўлар кўздаги ёши...

Неъмат ИБРОҲИМОВ.

## ЮРАК

Бир оҳанг яратиб тебранар юрак,
Асли бир оҳангда яшамоқ керак.
Шу оҳанг изидан чиқмасайди у,
Балки ёр бўларди бу ҳаёт мангу.
Бироқ бу дунёнинг ташвиши, ғами,

Қувончи, лаззати, буларнинг жами,
Юракни тебратгай ўзга оҳангда,
Гоҳо шод, гоҳ эса шайланар жангга.
Ғуссада қоврилиб, изларгай нажот,
Севинчдан ҳаприқиб қоқади қанот.
Бир оҳанг изидан бўлару жудо,
Бир оҳанг тополмай бўлади адо.

## ВУЛҚОН

Замон қозонида зардаси қайнаб,
Тошарди ўт-олов тафтини ҳўплаб.
Гоҳо у жимгина куйларин куйлаб,

Отилмоқ истарди нўқта куч тўплаб.
Ниҳоят заминдан очиб бир тўйнук,
Иргитди товларни энлзила солиб.
Сўнг оташ куйларга олдию ҳуқуқ,
Она-ер бағрида қолди юксалиб.

Жўра АЛИМАРДОН.

## МИКРОФОН ОЛДИДА ЮРИЙ ЛЕВИТАН

РСФСРда хизмат кўрсатган артист, радио диктори Юрий Борисович Левитаннинг номи кўпчиликка яхши таниш. Унинг такрорланмас, қудратли ва таъсирчан овози ярим асрдан буён радио орқали янграб турибди.

Совет халқи тарихи ёрқин, ҳаяжонли воқеаларга бой. Катта авлод вакиллари Левитаннинг овози биричи беш йилликлар муваффақиятини миллионлаб радио тингловчиларга таъсирчан формада етказа олганини, кўпчиликнинг қалбида бунёдкорлик руҳини уйғотганини яхши эслашади. Улуғ Ватан уруши йилларида эса Юрий Левитаннинг овози Ғалабага улуш қўшган омиллардан бири бўлди. Ҳамма жойда — солдат окопларида, партизан отрядларида ва яширин ҳаракат хоналарида у ўқийдиган «Совинформбюро» хабарларини қизиқиш билан тинглар эдилар. Унинг овозида совет халқининг ғалабасига бўлган ишоч яққол сезилиб турар эди.

Мана, бугун ҳам унинг овози худди аввалгидек радио орқали янграб турибди.

**СУРАТДА: Юрий Левитан ўз мухлисларига дастхат ёзиб бермоқда.**

И. Зотин фотоси, ТАСС фотохроникаси.

## ТО Справкалар бюроси

### ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**М. ЮНУСОВ: Ўз ихтиёри билан ишдан бўшаган ходим бошқа ишга кириб олиш муддати мобайнида касалланиб қолса, бу ҳол унинг узлуксиз иш стажига таъсир қилмайдими? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Жавоб:** Ходим ўз ихтиёри билан ишдан бўшаб, кўпи билан бир ой ичида янги ишга кириб олса, унинг узлуксиз иш стажи сақланади. Аммо ходим бошқа ишга кириб олиш муддати мобайнида касалланиб қолса, меҳнат қобилиятини неча кун йўқотган бўлса, бу муддат ўшанча кун узайтирилади. Ишчи ёки хизматчи янги ишга кирганда меҳнат дафтарчаси билан бирга меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлиги тўғрисидаги справкани ҳам қўшиб бериши керак. Даволаш муассасаси берган бу справкани даволовчи врач билан бош врач имзолаган ва печать босилган бўлиши лозим.

* * *

**Э. АҲМЕДОВ: Ишлаб чиқаришдан бевосита ажралмаган ҳолда кечки (сменали) ҳунартехника билим юртларида ўқиётган ишчилар имтиҳонга тайёргарлик кўриши ва уларни топшириши учун бир йил ҳисобидан 30 иш кунига ишдан озод этиладилар. Ана шундай ҳолларда бундай ишчиларнинг асосий иш жойидаги иш ҳақининг 50 процента сақланиб қолади.**

* * *

**Р. НУРМАТОВ: Айтингчи, узлуксиз иш стажини ким белгилайди? Узрли сабабга кўра узилиб қолган иш стажини қайтадан тиклаш мумкинми?**

**Жавоб:** Ишчи ва хизматчиларнинг узлуксиз иш стажи давомийлиги корхона, муассаса, ташкилотларнинг маъмурияти томонидан белгиланади. Узлуксиз иш стажи белгиланишининг тўғрилиги юзасидан назорат касаба союз органлари зиммасига юкланади. Фақат жуда кам, айрим ҳоллардагина, давлат социал страхованиеси нафақаларини белгилашда узрли сабабларни кўрсатувчи ҳужжатлар бўлган тақдирда узлуксиз иш стажи фабрика, завод маҳаллий комитетининг тавсиясига кўра область касаба союзлари Совети Президиуми томонидан тикланиши мумкин.

* * *

**Р. МУҲАМЕДОВ: Ватанимиз пойтахти— Москвада Олимпиада ўйинлари давом этяпти. Айтингчи, бизнинг қайси спортчимиз Олимпиаданинг энг кўп медалини қўлга киритган?**

**Жавоб:** СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, ажойиб ва маҳоратли спортчимиз, гимнастикачи Лариса Латинина Олимпиаданинг тўққизта олтин медали нишондори бўлган.

* * *

**Д. ХУДОЙҚУЛОВ: Мен домино ўйнашни жуда ёқтираман. Шу боисдан мени доминонинг қайси асрдан бери ўйнаб келинаётганлиги ҳақидаги маълумот қизиқтиради.**

**Жавоб:** Доминони биринчи бўлиб XVI асрнинг иккинчи ярми, XVII асрнинг бошларида Италияда ўйнай бошлашган. Шундан сўнг у Италиядан Францияга тарқалди. Кейин эса бошқа Европа мамлакатларига ёйилди.

• ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

# ҚУВНОҚ СПЕКТАКЛЬ

М. Горький номидаги рус давлат академик драма театри биносида Иркутск музикали комедия театрининг гастроллари катта муваффақият билан ўтяпти. Меҳмонлар қувноқ ва ҳаётий саҳналарга бой асарларни намойиш этиб, тошкентлик санъат ихлосмандларини мамнун этишмоқда. Театр репертуаридаги қизиқарли спектакллардан бири «Султонинг юз биринчи хотини» асаридир.

...Тўлқинлари мавж уриб турган бепоён денгиз. Унда балиқ овлашади. Кемалар сузгани кўринади. Манзара шу қадар ҳаётийки, бевосита зилол сувнинг мусаффолигини ҳис этасиз. Ҳаётидан, хотини, бола-чақасидан кўнгли тўқ Панас Барило — РСФСР-да хизмат кўрсатган артист М. Шнейдерман мамнун куйлайди... Артистнинг кайфияти томошабинларга ҳам ўтади. Залдагилар унга боқиб, жилмайиб, ҳузур қилиб ўтиришади. Дам хотини, дам неваراси билан суҳбатлашиб, гоҳ ашула айтиб, гоҳ ўйин тушиб кетаётган Панаснинг ҳар бир ҳаракати мантиқли, жозибали, уни кўрган сари кўргинг, овозини эшитганинг сари эшитгинг келади.

Унинг тўладан келган хотини Василина — артист Е. Волошина ҳам жуда истарали санъаткор. Мимикалари жонли, ҳаракатлари ёқимли, овози бироз хиралашиброқ қолган қувноқ кампир ролини Е. Волошина М. Шнейдерман яратган қария образига монанд қилиб ўйнай олган. Бу икки кексани томошабин сидқидилдан севиб қолади. Неварали Олэнка — Н. Горбунова ва унинг севгилиси Максим — Б. Артеменколар ачомлашиб келаётганларида, қариялар ҳам ёшликларини эслаб, худди шу алпозда юрган бўлишади. Тасодифан тўқнашиб қолиш эпизоди залдагиларнинг самимий кулгисига сабаб бўлади.

З. Тулубнинг «Людоловлар» романи асосида саҳналаштирилган мазкур асарда тарих жонлангандай бўлади. Тинч, осойишта яшаётган украин халқи бошидан не-не машақкатли кунлар ўтмайди. Томошабин кўз ўнгида XVII асрда Украина жанубида содир бўлган воқеалар гавдалана бошлайди.

Шод-хуррам яшаётган Панас Барилоларга онласи ўз сафдошлари, ёр-биродарлари билан поляк шляхталарига қарши курашишади. Ундан кейин турк босқинчиларига қарши бош кўтаришади. Турклар чиройли қизларни асир қилиб, олиб кетишади. Улар орасида гўзал Олэнка ҳам бор эди.

Спектаклда ноибнинг саройи декорациясини рассом Л. Стеценко жуда ўринлатган. Бегларбей Салим ноиб образини артист Б. Куманцев томошабиннинг эсида қоладиган қилиб яратган. Бой декарациясина эмас, ҳарамидаги хотинларнинг сулувликда бир-биридан қолишмаслиги, кийимларининг нафислиги ҳам ноибнинг давлатиқи, шон-шуҳратини бўрттириб кўрсатишда катта аҳамиятга эга.

Ноибга юз биринчи хотин бўлиши керак бўлган асира қиз Олэнка билан ноибнинг тўқнашув картинаси асарнинг ўзаги. Украиналик қизнинг довюраклиги, муҳаббатига содиқлиги, ҳалоллиги, поклиги асар ғоясини ташкил этади. Украин халқининг ўзаро тотувлиги, ҳамнафаслиги, душманга қарши бир ёқадан бош чиқариб курашиши, охири асира қизни қутқариб олиб кетишлари ҳам дўстлик, иноқлик натижасида инсон ҳамма нарсага қодир эканини кўрсатади.

Мазкур опереттада киши дилини тўлқинлатадиган, ором бахш этадиган, маънавий озуқа берадиган қадиқалар оз эмас. Айниқса, бадет саҳналари ажойиб. Оперетта шўх, қувноқ музика билан йўғрилган. Ҳар бир кўринишда ўйин берилган. Рақслар алоҳида ажралиб қолмасдан у ёки бу воқеани тўлатиб келади. Бу чол билан кампирнинг ёшлигини эслаб ўйин тушиб кетишида, украин халқи ёвга қарши жангга отланганидаги жанговарлик кайфиятини ифодаловчи оммавий рақсда ҳарамдаги ҳокимнинг кўнглини овлаётган аёллар рақсидаги ишваю, ноз-қарашмаларда, меҳмонларни знёфат қилишдаги кўрсатилган илтифотларда айниқса ўринли чиққан.

Бутуниттифоқ театрлари фестивалларидиплома олган бу группанинг диққатга сазовор томони шундаки, деярли ҳар бир артист ҳам ашула айтади, ҳам ўйин тушади, драматик ҳолатларни ҳам маромига етказиб ижро этади. Айниқса В. Раков ижро этган рақс ҳайрон қоларлик даражада жозибали, майин, сержилва.

Меҳмонларнинг «Қўршапалак», «Сильва», «Баядера», «Аёллар қўзғолони» каби қатор оперетталари ҳам пойтахт томошабинларига маъқул бўляпти.

**М. ФАЙЗИРАҲМОНОВА,**
**Ҳамза номидаги санъатшунослик институтининг илмий ходими.**

• ИЖОДКОР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

# ОЙҚОР ТИЛГА КИРГАНДА...

ЁЗУВЧИНИНГ ижод йўли кўпинча матбуотдан бошланади. Нурали Қобул ҳам адабиётга матбуот орқали кириб келди. У Фарғона Давлат педагогика институтининг тарих факультетини тугатгач, ўқитувчилик қилди. Бахмал районидаги «Ғалаба байроғи» ва «Жиззах область газеталарида ишлади. Кейин Нурали Жиззах область партия комитетида, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзи область бўлимида хизмат қилди. Ҳозир у «Совет Ўзбекистони санъати» журналининг бош редактори.

Ёш адиб биринчи машқлари билан устозларининг диққат эътиборини тортди.

Халқимизда эзгу бир анъана бор. Устозлар шогирдларини бир оз кўтариб, гоҳо хизматларини сал-пал оқлириб, яхши ният қилишади.

Нуралининг ҳикоялари ҳам, қиссалари ҳам болаларигда кўрган-кечирганлари, хотиралари, ҳамқишлоқлари ҳаётида содир бўлган ибратли воқеалар асосига қурилган. Шунинг учун ҳам воқеалар асосан Ойқор тоғи билан боғланиб кетади. Ойқорнинг эзгу ният йўлида меҳнат қилаётган одамлари улуғланади. Гўзал турмушимизга халал берувчи иллатлар танқид қилинади.

Одамларнинг руҳий дунёсида юз бераётган ўзгаришларни илғаб олиш, уларнинг қалбига қулоқ тутиш, кечинмаларини англаб билиш, юрагида туғилиб юрган дардларига малҳам топиш, уларнинг яхши ва ёмон хислатларини ўзларига кўрсатиб бериш — бу истеъдоднинг етакчи қирраларидан бири. Истеъдоднинг иккинчи белгиси — қаҳрамонлар яшаб нафас олаётган ҳаётий муҳитни барча ранглари билан тасвирлай олиш санъатидир.

Константин Федин ёшлар билан қилган суҳбатларидан бирида «Ҳамиша ўзингиз туғилиб ўсган юрт одамларини бор бўй-басти, ўзларига хос ҳатто лаҳжалари билан тасвирлай билинг» дейди.

Йирик адиблар ижодида бу хусусиятни равшан кўрамиз. К. Федин романларида Саратов шаҳри атрофида ўсиб-улғайган одамлар ҳаёти қаламга олинса, Шолохов асарларида Дон казакларининг ўзларига хос яшаш тарзи ҳикоя қилинади.

Нурали Қобул ҳикоялари ва қиссаларининг бош мавзуи Ойқор ва унинг одамлари. У ҳамқишлоқларининг фазилатларини қувониб, самимий тасвирлайди, нуқсонларини аямай танқид қилади.

Мана бўш-баёв, доим андиша билан юрадиган Саидмурод ака. Унинг хотини ўлим билан олишиб ётибди. Саидмурод ака хотинининг аҳволини яхши билса ҳам қарашга вақт топа олмайди. Колхоз раиси хотинини дўхтирга кўрсатиб даволашга имкон бермайди. Ўғли имтиҳондан йиқилиб келади. Врач Фалон ишимни ҳал қилиб берсанг хотинингни даволайман, деб шарт қўяди. Қўйинг-чи, турмушнинг оғир юки Саидмурод аканинг белини букиб қўяди.

Ҳикояда қизиқарли бир эпизод бор. Саидмурод ака колхоз раисига хотинининг дарди тобора оғирлашиб бораётганини айтганини беҳосдан райком секретари эшитиб қолади. «Қачон қолар экан сизларнинг бу тортинчоқликлар ниғиз», — дейди райком секретари. Гап, албатта Саидмурод аканинг тортинчоқлигидагина эмас. Тўғри, адиб ўз ҳақ-ҳуқуқи учун кураша олмайдиган одамлар фожиасига ҳам ишора қилади. Лекин масала фақат ана шундагина эмас. Саидмурод аканинг хотини ўз касали билан вафот қилгани йўқ. У лоқайдлик, бепарволикнинг қурбони бўлди.

Инсон тақдирига лоқайд қарашнинг оқибати «Ҳужжат» ҳикоясида ҳам қизиқарли тасвирланган. Ҳикоя қаҳрамони Абдураҳмон ака бегубор одам. У бир пайтлар урушга бориб, Ватани учун қон тўкиб келган. Лекин аскарлик ҳужжатларини йўқотиб қўйган. Азим носфуруш сингари оғзига кучи етмаганлар «Абдураҳмон фронтга боргани йўқ. Берлинга боргани ҳам ёлғон. Сибирда меҳнат батальонидан қайтиб келган. Агар пронтовой бўлганда биздай пенсия оларди-да» деганида нафсонияти оғрийди. У қайси идорага кириб бормасин ундан ҳужжат сўраши. Нима қилиб бўлса ҳам, ҳатто ўз виждонига хилоф иш қилгани ҳолда ҳужжат тўплаши керак.

Абдураҳмон аканинг ҳужжат тўплаш йўлидаги сарсон-саргардонлиги ўқувчиларни сергаклантиради. Бу Нурали Қобулнинг ички кечинмалари, унинг эътиқоди, одамларга зиб, йирик жанрга қўл урди. «Ойқор» деб номланган ҳужжатли қисса шу тарика пайдо бўлди.

Биринчи тажрибанинг ўзига яраша нуқсонлари бўлиши табиий. Лекин биз гапимизни «Ойқор»нинг ўзига яраша фазилатларидан бошламоқчимиз.

Қисса узоқ ўтмишга — йигирманчи йилларнинг охирлари ва ўттизинчи йилларнинг бошларида кечган инқилобий курашлар билан йўғрилган, нафаси ҳар қадамда сезилиб турган оловли давр тарихини ҳикоя қилади. Нурали ўша йилларнинг нафасини сезиш учун архив материаллари билан танишди, инқилоб йўлида жонини фидо қилган ҳамқишлоқлари ҳаётини ўрганди.

Босмачилар сардори Очилдовнинг йигитлари йиртқич қашқирлар сингари куну тун талон-тарож билан шуғулланадилар. Қиссада Очилдовнинг кирдикорлари ҳам батафсил ҳикоя қилинган. Лекин адиб қўрбошини нуқул қора бўёқлар билан чаплаб ташламайди. Очилдов гоҳо табиат ғўзаллиги олдида бир зум лол қолади.

Очилдовнинг кирдикорлари, қизил аскар Неъматилланинг фидойилиги, Марҳамат билан Абдухалил фирқа орасидаги муҳаббат ҳангомалари анча қизиқарли ҳикоя қилинган. Неъматилланинг бўрилар билан олишув саҳнасини эслаг-а! Бу саҳна ҳам айтиш мумкинки, Нурали Қобулнинг инсоний ҳолатларни айрича, ўзига хос равшан тасвирлай олиш истеъдоди намойиш қилади.

«Ойқор» қиссасида ўқувчиларнинг диққат-эътиборини тортадиган тарихий воқеалар ҳам нақл қилинган. Акмал Икромовнинг Самарқандда кечган ҳаёти, Йўлдош Охунбобоевнинг Ғаллаоролга келиши... тасвирлари ўша даврнинг манзарасини тасаввур қилишга ёрдам беради. Шундай дейсиз, аммо қиссада тарихий воқеаларнинг моҳияти чуқур очилмаганини сезиб турамиз. Мураккаб ҳаётий жараёнлар моҳияти илғаб олинмас экан, ёзувчининг таланти ҳам юзага чиқмайди. Ёзувчининг қўзи қанчалик ўткир бўлса, унинг истеъдоди ҳам шу қадар кучли намоён бўлади. Истеъдод асли ўзи ҳаёт ҳақиқатини чуқур кўра олиш ва тушуна билиш санъатидир.

«Ойқор» қиссасида тилга олинган тарихий фактлар кўп ҳолларда асарнинг ғоявий-бадиий тўқимасига сингиб кетмайди. Қиссада бир неча бор тилга олинган инглизлар масаласига диққат қилайлик. Инглизларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши ва уларнинг шум ниятлари кўпгина тарихий ва бадиий асарларда қаламга олинган. Биноварин, бу фактнинг моҳияти теран очилиши, асарнинг ҳаётий чиқишига ёрдам бериш зарур эди.

Қиссада ҳаётий чизилган образлардан бири— уезд ижроия комитетининг раиси Неъматилладир. У раис бўлиб сайланиши билан отасининг мол-мулкини тортиб олиб, уни қаматиб юборади. Адиб ёзади: «Неъматилла отасини ўйлар эди. Ахир минг қилса ҳам отаку! Нима қилиш керак. Нима қилса одамлар уни тўғри тушунади. Эртага отаси қамалса, онасининг, укаларининг кўзига қандай қарайди. Лекин ҳақиқат бўлиши керак-ку! Бировни отам деса, бировни иним деса, ахир қачон социализм қурилади. Ёки социализмда ҳам шундай нарсалар бўлиши керакми?»

Бир пайтлар Неъматилла сингари фидоий одамлар бўлган. Улар инқилобий ғоялари йўлида ҳеч иккиланмадан тап тортмаган-лар. Шу хилдаги фидоий одамлар бизнинг орамизда ҳам бор. Лекин Неъматилла типидаги одамлар ҳам ўзларига хос руҳий оламе билан бошқалардан ажралиб турадилар. Ана шу ўзига хос руҳий оламни кўришни истайди ўқувчи.

«Ойқор» қиссаси Нурали Қобул учун яхши маънода ижодий мактаб бўлди. Орадан кўп ўтмай унинг «Салом, тоғлар!» деб номланган асари эълон қилинди. Қисса адибнинг китобийликдан, одамлар ҳаётини умуман тасвирлаш касаллигидан тобора қутулаётганлигини кўрсатди. Унинг янги қиссалари ҳам яна адибнинг болалиги кечган йиллар ҳақида ҳикоя қилади. Қисса қаҳрамонлари Қоракўз билан Ғойибназар орасида туғилган беғубор муҳаббат тарихи, икки ёшнинг ширин орзу-ўйлари, уларнинг тоғо энтикиб шодланишлари, гоҳо турмуш ташвишлари ичига кўмилиб қолишлари ишонарли тасвирланган. Улар тарбия топган муҳит ҳам равшан чизилади.

Икки оиланинг тинчгина ҳаёти. Ҳар қадамда яқинлашиб келаётган урушнинг нафаси сезилиб туради. Қоракўз билан Ғойибназар қўшни бўлсалар ҳам бир-бирларининг васлига етишиш орзуси билан яшайдилар. Севишганларнинг кўрганкечирганлари, каттаклар қатори тер тўкиб меҳнат қилишлари, гоҳо якка қолиб, Ойқор билан дилрози айтишувлари мароқли ҳикоя қилинади. Гоҳо Нурали Ғойибназар билан Зулайҳо— Қоракўзнинг болалик шўхликларини баён қилишга берилиб кетади-да, ўзининг асар олдига қўйган мақсадини бир зум унутиб ҳам қўяди. Болалик тасвирига берилиб кетганида Ойқорни эслайди, унинг ғўзаллиги олдида лол қолади, Ойқорни ёрдамга чақиради, яна ҳикоя жонланади. Ғойибназарнинг хирмонда ўтказган кунлари, уташтириш воқеалари анча ҳаётий чиққан.

Ҳақиқий, баркамол проза жонли, ифодали тафсилотлари билан тирик. Тафсилотлар меъёридан салпал ошдими, тамом, у эзмаликка айланиб қолади. Шу маънода қиссадаги эпизодлардан бирини эслаб кўрайлик.

Ойқорликларнинг ажойиб бир удуми бор. Тўйдан сал аввал, албатта Нурмон бобонинг олдига бориб, унинг фотиҳасини олиб келиш лозим. Қоракўз ҳам шу удумга амал қилиб, бобонинг олдига боради. Мана, у Нурмон бобонинг олдига кетиб бораётир: «тим қора толим-толим сочлари, пайваста қалам қошлари, оппоққина бодом қовоқлари» уни кўрган ҳар бир одамнинг юратини ўйнатиб юборади. Қоракўз «нафас олганда бежиримгина кўкраги оҳистагина кўтарилиб тушар, ўтли лаблари пичирлаб, алланима деяётгандай» бўлади. Унинг «гунча лаблари худди ҳозиргина гилос егандай қипқизил. Лабининг остидаги қорамиқдай хол фақат шу ғўзал учун яратилгандай» таассурот қолдиради.

Фикримизча, бу тафсилотлар қанчалик қизиқарли бўлса ҳам қиссанинг жамолини равшан кўрсатишга хизмат қилмайди.

Ғойибназар урушга жўнаб кетди. Қоракўз севгининг лаззатини тотиб кўрар-кўрмас, айрилиқ ўтида куйиб қолди. Айрим оғзига кучи етмаганлар Ғойибназар шаънига бўлмағур туҳмат гаплар тарқатадилар. Қоракўзнинг оғир изтиробларини айтмайсизми? Назаримда Қоракўзнинг Ғойибназарсиз ўтказган кунлари тасвири қиссанинг энг тотимли, таровати, тиниқ ифодаларга бой саҳифаларидан десак янглишмаган бўламиз.

«Салом, тоғлар!» қиссаси романтик планда ёзилган. Шу туфайли тасвирда романтик бўёқлар етакчилик қилади. Лекин ҳаётни бир оз кўтариб тасвирлаш қаҳрамонлар тақдирини ҳаққоний кўрсатишга аслo монеълик қилмаслиги керак. Қиссанинг финалида реалистик тасвир бўшашиб кетган. Қоракўзнинг бошини олиб муз чўққилари томон кетиши, у ёрда ҳалокатга учраши маромига етказилиб тасвирланмаган.

Нурали Қобул тиниб-тинчимас адиб. У публицист сифатида ҳам танилган. Унинг мақолалари ва очеркларида ҳаётнинг долзарб масалалари қаламга олинади. Нурали Қобул шу кечакундузда янги-янги ижодий режалар билан нафас олиб яшамоқда, истиқбол сари интилмоқда. Унинг шу эзгу ниятига омад ёр бўлсин!

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ,
**филология фанлари доктори.**

• ЭКСПЕРТИЗА ИСБОТЛАЙДИ

# СИР ИЗ КОЛДИРАДИ

**Милиция органларига бевосита келиб, турган маълумотлар шаҳримиз заргарларига Узбекистон конларининг биридан ўғирланган саноат олтини келиб тушаётганлиги тўғрисида хабар қиларди. Милиция ходимлари қандайдир Матвеев деган кон мастерини ана шу олтин ўғирлашда қатнашувчи сифатида гумон қилиб ушлашди. У кондан фойдали қазилма қатламларининг бўлакларини уйга келтириб, ундан соф олтин олар, кейин заргарларга пуллар эди. Лекин ҳали асосий далил йўқ эди.**

## Далил - исбот билан

«Сотувчи»ننинг «мижоз»лар билан танишиш учун Юрий, Андрей, Варган Ираклиевич каби бир қатор номлари бор эди. Шунингдек, ундан олтин харид қилувчилар ҳам бир неча киши эди. Кончи Матвеев ҳар бир қадамини эҳтиёткорлик билан босиб, «пул ундирар» эди. Одатда у «товар»ини оз-оздан, унча савдолашмасдан пуллар ва ҳеч қачон зарар кўрмас эди: унинг ҳар бир харидор билан бўлган учрашувидан сўнг чўнтагига мўмай пул тушар эди.

Олтинфуруш ва унинг «мижозлари» тўғрисида оз-оздан фактлар тўплана борди. Ана шу фактлар асосида орадан кўп ўтмай, кончи каби бир заргар далил-исботлар билан қўлга олиниди. Энди заргардан қўлга туширилган тилла билан кондан қазиб олинган металлнинг бир хиллигини исботлаш керак. Терговчи ишни Тошкент суд экспертизаси илмий-тадқиқот институтининг лабораториясига экспертизага топширди.

— Ҳақиқатини айтганда, иш билан танишганимда, — деб ҳикоя қилади лабораториянинг катта илмий ходими физик Таисия Максимовна Демина, — менда қандайдир ноаниқлик ҳисси пайдо бўлди. Ишни нимадан бошлаш керак? Экспертизада олтиндан ташқари кон мастери квартирасидан топилган ҳамда у ишлаган шахтадан олинган кварц жинсларининг бўлаклари ҳам бор эди.

— Биз ҳам кончи каби иш қилсак бўлмайдими? — деган фикрни айтди кутилмаганда Т. М. Деминага унинг лабораториядаги ҳамкасби Б. А. Ҳакимов.

Бу оқилона фикр эди. Нега деганда, кварц жинслари намуналаридан лаборатория шароитида олтин ажратиб олиш бирмунча ўнғай. Узаро маслаҳатлашиб, геология-минералогия анализи, деб аталган методдан фойдаланишга қарор қилишди. Тажриба муваффақиятли чиқди.

Осойишталик ҳукм сурган лабораториядаги спектрограммани кўздан кечирар экан, Демина ўзини бир дақиқа университет студенти, деб фараз қилди. У ўша пайтда йигирма ёшдан сал ошган, журналда босилган модадагидек кўйлак кийгиси, бўйнига Самарқанддаги заргарлик магазинида кўрганига ўхшаш нозик олтин занжирли медальон осиши орзу қилган эди. Бу ерда ишлаётганига ҳам қарийб йигирма йил бўлди. У бошқалар ҳисобига яшашни истовчилар, унинг қизлик даврида қилган орзуларини писта пўчоқча биллмайдиганларга ҳалақит бериш учун қанчадан-қанча ишларни кўриб чиқмади дейсиз. Олғирларга, адолатсизликка қарши кураш олиб бориш унга оилавий тарбиясида сингиб кетган...

Мис ва кумуш олтиннинг содиқ йўлдоши аталади. Спектрограммада ҳатто кремний, қальций, магний, сурма, алюминий каби моддаларнинг микро аралашмаларини ҳам учратиш мумкин. Булар фақат саноат олтини учун хосдир. Таисия Максимовна «Экспертиза хулосалари» сўзи ёнига: «текшириб кўрилган металл намунасининг группаси умумий: техника олтини» деган хулоса чиқаради ҳамда қисқа ва аниқ қилиб: «эксперт Т. Демина» деб имзо чекади.

Яна бир қийин масала ҳал этилди. Стол устида, кундалик ишда зарур бўлган микроскоп, тарози, ўлчаш асбоблари билан ёнма-ён янги топшириқ турибди. Бу галги топшириқ миллиқдан отилган ўқ эгасини топиш билан боғлиқдир.

Е. ПЕТУХОВ.
(Давоми бор).



**Шаҳримизнинг Навоий кўчасида жойлашган «Мовий экран» устахонасида Абдушукур Қодиров 1968 йилдан бери ишлайди. У Октябрь ва Киров районлари аҳолисининг телевизорларини ўз вақтида тузатиб, кўпчилик ҳурматига сазовор бўлмоқда.**

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

21 ИЮЛЬ, 1980 й.

# КИНО

**21, 22, 23 ИЮЛДА**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«ИЗҚУВАР»— Чайка (12, 15, 18, 21.30, жавоб берувчи автомат 77-06-20), Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (11.30, 14, 16.30, 20.45, жавоб берувчи автомат 78-47-25), Нукус (11, 13.30, 16, 18.30 20.45, жавоб берувчи автомат 46-70-69), Қозғистон (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92), Дружба (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), Москва (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 33-05-01), ВЛКСМ 30 йиллиги номли (11, 13.30, 16, 20.00, телефон 33-44-52), Восток (катта зал, тоқ соатларда, кичик зал, 14, 16, 20.00, телефон 91-14-61).

«ОИЛАВИЙ ҲАЁТДАН САҲНАЛАР»— К. Ёрматов номли (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66), Мир (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«СТАРШИНА»— Узбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

**ДОИМИЙ ИШГА**

омбор мудири, аккумуляторларни зарядловчилар, газ пайвандчи, контролёрлар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, коровуллар, вахтерлар, муқовачилар ва уларнинг шогирдлари, стереотипёр шогирдлари, қоғоз қирқувчилар, лифтчилар, слесарсантехник

**КЕРАК**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.


«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

22, 23, 24, 25, 26, 27 июль соат 19.00 да

БОБОМУРОД ҲАМДАМОВ

раҳбарлигида ва иштирокида

К. ОТАНИЁЗОВ НОМЛИ ХОРАЗМ ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

## К А Т Т А К О Н Ц Е Р Т И

Билетлар сотилмоқда.



## ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

21 ИЮЛДАН БОШЛАБ

## «ИЗҚУВАР»

КЕНГ ЭКРАНЛИ, РАНГЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

Сценарий муаллифи—Владимир КУЗНЕЦОВ.
Постановкачи-режиссёр—Владимир ФОКИН.
Ролларда—Андрей ТАШКОВ, Борий ХИМИЧЕВ, Игорь КВАША, Николай СКОРОБОГАТОВ, Ирина АЎЧШКАЙ, Лариса ЛУЖИНА, Юрий ГУСЕВ, Александр ПАШУТИН, Леонид ЯРМОЛЬНИК.

Совет Армияси сафларидаги ҳарбий хизматни эндигина битириб келган Женя Кулик жиноят қидирув бўлимида ишлашни орзу қилади. Унинг учун изқуварлик касби дунёдаги энг қизиқарли ва романтик иш бўлиб туюлади. Аммо, ҳуқуқшунослик институтига кириш имтиҳонларидан йиқилгандан кейин, маълум муддат ишлаб туриш мақсадида милициягa ишга жойлашган Женя авваллари майда-чуйда ишлар билан шуғулланиб юришга мажбур бўлди.

Кўп ўтмай унга узоқ кутилган биринчи жиддий вазифани ҳам топширишди: Женя жуда кўп оғир жиноятлар қилган тўдани қўлга олиш операциясида қатнашиши лозим. Тўғрисини айтганда, бу операцияда унга топширилган роль унчалик катта эмас: у тажрибали изқувар Гуладзени кузатиб бориши ва унга ҳар томонлама ёрдам бериши керак, холос. Уларнинг умумий вазифаси—кимликларини билдирмаган ҳолда, бандитларга тилла олиб кетаётган курьерни белгиланган жойгача кузатиб бориш, биринчи босқичдаёқ тажрибасиз Женя хато қилиб қўяди ва операция хавф остида қолади.

Гуладзе ўзига бўлган ишончни йўқотган йигит ёнини олади ва Женяга бандитлар яширинган ётган уйни қуршаб олишда қатнашишга рухсат беришади. Келгусида тажрибасиз изқувар ўз гуноҳини ювишга муваффақ бўлади: оғир яраланган Гуладзе сафдан чиққач, Женянинг бир ўзи тўда бошлиғи Палёний изидан қувиб кетади. Изма-из қувиш бир суткадан ортиқ давом этади. Барча патронларни ишлатиб бўлган Женя қуролсиз қолади. Палёний эса ўз изини йўқотишга ҳаракат қилиб, ўрмон оралаб борган сари ичкари кириб боради...

Тажрибасиз изқувар ва хавфли жиноятчи ўртасидаги бу олишув нима билан тугаганлигини «Изқувар» номли янги икки серияли кенг экранли фильмни кўриб билиб олиш мумкин. Шиддатли воқеалар ва детектив воқеаларга тўла бу фильм турли ёшдаги томошабинларга албатта манзур бўлади. Фильм сценарийси томошабинларга ўзининг «Қора шаҳзода», «Муқаддас Лука»нинг қайтиши», «Тоннель сўнгидаги ёғду», «Паспортсиз киши», «Полковник Зориннинг тахминлари» каби ленталари билан яхши таниш бўлган Владимир Кузнецов ёзганлиги фикримизнинг яна бир далилидир.

**М. Горький номидаги болалар ва ўсмирлар фильмлари марказий студияси маҳсулоти.**



**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети**

127-ТОШКЕНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШАБ ТУРУВЧИ, 8— 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ**

**қуйидаги мутахассисликлар бўйича**

## ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Эркаклар устки кийимлари, аёлларнинг устки кийимлари, аёлларнинг енгил қўйлакларини, тикиш бўйича — бичиқчи; тикувчилик ишлаб чиқариши контролери, тикувчилик ишлаб чиқаришининг ремонтчи-слесари.

10-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — бир йил. Стипендия ойига — 30 сўм.

Тикувчи-мотористка мутахассислиги бўйича мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатини тамомлаган 10-синф маълумотидагилар учун ўқиш муддати— 8 ой. Стипендия ойига— 70 сўм.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — 3 йил. Уларга билим юртини тамомлаганлиги ҳақидаги диплом билан бирга ўрта маълумот ҳақида аттестат ҳам берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процента тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртида аёлларнинг енгил қўйлакларини тикиш бўйича бичиш-тикиш, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, спорт секциялари ишлаб туради, уй хўжалиги асослари ўрганилади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

**Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши лозим:** паспорт (туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома), яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан, медицина (286-форма) справкалари; директор номига ариза, 4 та фотосурат (3х4 см), мактабдан характеристика.

**ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:**

Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 60-уй — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг территорияси (2, 9, 18, 19, 21, 26, 51, 60, 72, 81, 89-автобуслар, 2, 16, 25, 3, 22, 23-трамвайларнинг «Олой бозори» бекати).

Тошкент шаҳри, магазин мавзуи кўчаси, 136-уй — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиалининг территорияси (10 «э», 88, 43-автобуслар, 27-трамвайнинг «Северний Алмазар» бекати).

Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5«а»-уй (3, 80, 60, 2, 25-автобусларнинг «Қизил тонг» бекати).



## КАСБГА ЙЎЛ

**Турли хил ва муҳим, қизиқарли ва зарур касблар кўп.**

**Энг муҳими—кўнгилдаги касбни танлаш керак. Шунда қилинган меҳнат мазнавий қониқиш ва қувонч манбаи бўлади.**

**Эҳтимол, Сиз сотувчилик касбини танларсиз?!**

Сотувчилик—шарафли касб. Бу касб эгасига кишиларга хизмат қилишдек шарафли вазифа топширилган. Лекин яхши сотувчи бўлиш осон эмас. Сотувчи ҳар тарафлама ривожланган, саводли, яхши дидли, харидорнинг психологиясини билувчи, товар, унинг афзаллиги ҳақида тушунча бера оладиган, янгиликларга қизиқтира оладиган киши бўлиши керак.

Биз аксарият ҳолларда пештахталар ортида хотин-қизларни учратамиз. Бу бежиз эмас. Ким-киму, лекин хушмуомалалик, сертакаллуфлик хотин-қизларга хос фазилатдир.

**ҲУРМАТЛИ ҚИЗЛАР!**

Сизларга сотувчилик касбини эгаллашда «Ташхозкультторг»нинг 47-мактаб-магазини ёрдам беради!

Мактаб-магазин — ўқувчилар назарий билимлар билан бирга ишда зарур бўлган амалий тажриба ҳам олинадиган савдо корхонасидир.

Ўқувчилар машғулотлар пайтида товаршунослик, савдо ҳисоби, совет савдосини ташкил этиш, совет ва меҳнат ҳуқуқи асосларини, этика, эстетика ва психологияни ўрганадилар.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшилади. Ўқувчиларга ойига 63 сўмгача стипендия берилади.

Олти ойлик ўқиш даврида Сиз хўжалик ҳамда маданий-рўзғор буюмлари сотувчиси касбини эгаллайсиз.

**«Ташхозкультторг»нинг 47-мактаб-магазинига 10-синф ҳажмида маълумотли 18 дан 25 ёшгача бўлган қиз-жувонлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.**




**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак:** ўрта маълумоти тўғрисида аттестат, паспорт, мактабдан ёки сўнги иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчаси, агар бўлса, турар жойидан справка, иккита фотосурат (6х9 см, ҳажмида).

**Машғулотлар—1 августдан бошланади.**

**Ўқишни тамомлаганларнинг ҳаммаси «Ташхозкультторг» магазинларида иш билан таъминланадилар.**

Справкалар олиш учун адрес: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 1-уй (2, 3, 18, 34, 50, 54, 80-автобуслар; 4, 7, 9, 11, 14, 21, 24-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати). Телефон: 53-47-24.



**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети**

**1980—81 ўқув йилига граждан авиациясининг 243-заводи қошидаги**

121-АВИАРЕМОНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун** (8-синф ҳажмида маълумотлиларга ўқиш муддати— 2 йил, ўрта маълумотлиларга ўқиш муддати 1— йил) **қуйидаги мутахассисликлар бўйича**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Учиш аппаратларини йиғувчи-парчиновчилар, учиш аппаратлари бўйича ремонтчи-слесарлар, самолёт агрегатлари ремонти бўйича слесарлар, учиш аппаратлари асбоб-ускуналарининг электромонтажчилари, механика-йиғув ишлари слесарлари, токарлар, газ-электр пайвандчилар.**

**Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.**

**Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги 8—10-синф ҳажмида маълумотли Тошкентда яшовчи ва бошқа ерлардан келган йигит-қизлар қабул қилинади.**

**Ўқишни битирганлар граждан авиациясининг 243-авторемонт заводида ва граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасининг бўлинмаларида ҳамда бошқа шаҳар корхоналарида ишлайдилар.**

Завод ишчилари отпуска вақтида самолётларда бирон ерга учганда имтиёзли билетлар ва граждан авиацияси ходимларининг яна бошқа имтиёзларидан фойдаланадилар.

Ўқиш даврида 2 йиллик муддат билан ўқиётган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар.

Бир йил ўқийдиганлар эса 68 сўмдан 80 сўмгача ҳажмда стипендия оладилар. Бошқа жойлардан ўқишга келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

**Билим юртини аъло баҳоларга тугатганлар институтларга, техникумларга юборилади.**

**Билим юртига киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:** директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ёки паспорт), яшаш жойидан справка, саломатлиги ҳақидаги справка ва ота-онасининг иш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.), ўқиш жойидан характеристика.

**Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри. Граждан авиациясининг «Авиасозлар шаҳарчаси» (25, 66, 61, 39-автобусларнинг «Авиагородок Г. А.» бекати, 2, 10-трамвайларнинг «Транспорт институти» бекати). Телефонлар: 99-96-46, 99-97-10, 99-96-03.



**Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг**

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

(Т. Шевченко кўчаси, 28-уй)

**троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган**

5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.**

**Курсантлар, сўнгра ҳайдовчилар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.**

**Бошқа шаҳарлик ёлғиз кишиларга депо яқинига жойлашган ётоқхонадан жой берилади.**

**МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.**

**Депо ишчилари форма кийими билан таъминланадилар** (50 процент ҳақи тўланади).

ШУНИНГДЕК, КОНДУКТОРЛАР ВА КОНТРОЛЁРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

**Ўқиш — муддати 15 кун. Стипендия тўланади.**



## «Бугунги ташвиш — эртанги беш!»

Ёз каникули авжида, аммо катталар ҳам, кичиклар ҳам мактаб ҳақида ўйлашади. Мактаб ўқувчиси учун энг зарур буюмларни охирги кунга қолдирмай, шу бугундан бошлаб сотиб олишни, янги ўқув йилига шошилмай аста-секин ҳозирлик кўришни маслаҳат берамиз. Чиройли, қулай мактаб кийими, чиройли пойафзал, янги портфеллар, альбомлар, ранецлар ҳаммавақт болаларни қувонтириб келган.

**АЗИЗ ОТА-ОНАЛАР!**

СИЗЛАРНИ МАКТАБ ЯРМАРКАСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

**Ярмарка 20 июлдан 5 сентябргача.**

**Тошкент «Болалар дунёси» универмаги ва унинг филиалларида—«Радость», «Тоҳир ва Зуҳра», Фарҳод ярмаркасидаги 1-магазинларда ва Навоий кўчасидаги унинг павильонларида ўтказилади.**

Бу ердан Сиз ўғил ва қиз болалар учун ёзги ва қишки формалар, сорочкалар, шимлар, костюмлар, пальто, спорт формаси, трико, мактаб пойафзали, бош кийимларини сотиб олишингиз мумкин.

Ихтисослаштирилган секцияларда ҳар куни мактаб ёзув ва канцелярия буюмлари билан савдо қилинмоқда. Секциялардан портфеллар, ранецлар, папкалар, чизмакашлик наборлари, готовальнийлар, ўқув ва қалам дафтарлар, расм альбомлари, ручкалар, қаламлар, панеллар, пионер галстуклари, 1-синфга борувчилар учун совға-саломлар харид қилиш мумкин.

**Азиз ўртоқлар! Сизларга шуни эслатиб ўтамизки, Тошкент «Болалар дунёси» универмаги эрталаб соат 9.00 дан кеч соат 20.00 гача ишлайди.**

Филиаллари: Октябрь бозорига жойлашган «Тоҳир ва Зуҳра», Шота Руставели кўчасига жойлашган «Радость», Фарҳод ярмаркаси ва Навоий кўчасида жойлашган магазинлар соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди.

«БОЛАЛАР ДУЁСИ» УНИВЕРМАГИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!



## ТИЛЛА БЕЗАКЛАР УЧУН—37-КОМИССИОН МАГАЗИНГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Сиз бу ердан 370 ва 583 пробадаги исталган размерлардаги никоҳ узукларини харид қилишингиз мумкин. Никоҳ узуклари алмашишлик ажойиб анъана бизнинг кунларимизда ҳам давом этиб келмоқда. Никоҳ узуги—бу фақат вафодор умр йўлдошлиги эмас, балки энг яқин ва қадрдон кишининг совға-саломи, айни бир вақтда безак ҳамдир.

37-комиссион магазинида чунончи, ёқут, аметист, тапаз, александрит, янтар кўзли узукларни ҳам сотиб олиш мумкин.

Чунончи, бу ерда дур кўзли, ярим қимматбаҳо ва қимматбаҳо тош кўзли зираклар, тўғноғичлар, тилла кулонлар, нақшиндор тақинчоқлар, эркак ва аёлларнинг тошли ва тошсиз узуклари мавжуд.

Узуклар, кулонлар, тўғноғичлар, билакузуклар, исирғалар — қадимдан аёлларнинг энг севимли тақинчоқлари ҳисобланиб келинган. Уларни байрам кунлари ҳам, оддий кунларда ҳам тақиб юришади.

Ушбу савдо залида—галантерея буюмлари бўлими ҳам мавжуд. Сиз у ердан галстуклар, соябонлар, миллий сўзаналар, капрон, шарфлар, шойи газмоллар рўмоллар, дуррачалар, крепдешин шарфлар, ацетат шойи, капрон, шарфлар, шойи газмоллар, дўппилар, қўёш нуридан ҳимояловчи кўзойнаклар, чақалоқлар учун конвертлар харид қилишингиз мумкин. Ўзбекистон шаҳарлари тасвир этилган кўпдан кўп значоклар ҳам мавжуд.

**Магазин Чилонзор массиви, Г—9А квартали, 20-уйда жойлашган. Магазин соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди.**

**Танаффус 14.00 дан 15.00 гача.**

**Дам олиш куни душанба.**

Магазинга 4, 9, 19-трамвайлар, 2, 13-автобуслар билан «Чопон ота» бекатигача бориш мумкин.

**«ОЛМОС» республика улгуржи савдо бирлашмаси.**

**«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ**


## ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

**21 ИЮЛ — ДУШАНБА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

18.20 Дон казаклари Давлат ашула ва рақс ансамблининг чиқиши. 18.50 «Москва». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.10 «Илғор тажриба — умумхалқ мулки». «БАМ. 1980 йил». 2-кўрсатув. 19.40 Польша Халқ Республикаси телевидениесининг поляк халқининг миллий байрами — Польша қайта тикланган кунга бағишланган программаси. 21.30 «Время» 22.00 XXII Олимпиада ўйинлари. Сузиш. Финаллар. Сувга сакраш. Трамплин. Хотин-қизлар. Финал. Оғир атлетика. 24.00 «Дунё воқеалари».

**Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси**

XXII Олимпиада ўйинлари. 22.00 Футбол. Югославия —Финляндия терма командалари. 22.45 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

**Узбекистон телевидениесининг программалари.**

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ўғай ота уйи». Мультфильм. 18.25 Болалар учун концерт. 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ғазал оқшоми». 20.00 «Ахборот». 20.50 М. Горький номли Фарғона музикали драма ва комедия театрининг солистлари М. Шомуродова ва Н. Султонов концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Ноз-неъмат бунёдкори». 22.15 «Дўстлик ва қардошлик байрами». Узбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунлари ҳақида видеофильм премьераси. 23.10 «Финишсиз стартлар». Телефильм. 23.25 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Қизиқувчилар экрани». 20.55 «Дераза». Теленовелла (рус.). 21.10 Абитуриентлар учун. Физика. 22.10 Телевизион театр. А. П. Чехов. «Қора монах» (тақрорий).

**22 ИЮЛ — СЕШАНБА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Время» 9.35 Олимпиада кундалиги. 10.10 «Говенда» болалар ансамблининг концерти (Польша). 11.05 Болалар учун «Ойни этак билан ёпиб бўлмас». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 12.10 «Бош майдон». Москвадаги Қизил майдон ҳақида ҳужжатли фильм. 12.35 Олимпиада кундалиги. 12.55 XXII Олимпиада ўйинлари. Стендга отиш. Сузиш. Саралаш мусобақалари. Классик кураш. Саралаш мусобақалари. Қиличбозлик. Эркаклар. Рапира. Баскетбол. Хотин-қизлар. Куба—Югославия терма командалари. сув полоси. Швеция— СССР терма командалари. Бокс. Саралаш мусобақалари. Танаффус пайтларида (14.00 ва 16.00) — Янгиликлар.

18.00 «Дунё воқеалари». 18.20 Давлат академик Шимол рус халқ хорининг концерти. 18.50 «Москва Кремли». 1-кўрсатув. «Деворлар ва миноралар». 19.20 «Симфоник миниатюралар». 19.45 «Ленинград Олимпиада кунларида». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.15 «Ромэн» театри артистлари иштирокида лўлилар кўшиқлари ва рақслари. 21.30 «Время». 22.00 XXII Олимпиада ўйинлари. Стендга отиш. Гимнастика. Эркаклар. Эркин программа. Сузиш. Финаллар. 23.00 Футбол. СССР — Замбия терма командалари. Танаффус пайтида (23.45) — «Дунё воқеалари».

**Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси**

XXII Олимпиада ўйинлари. 22.00 Классик кураш. Финаллар. Елканли спорт. 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

**Узбекистон телевидениесининг программалари.**

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Советлар мамлакатининг кишилари». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 12.30 «Эфа исмли қизча». Кўғирчоқ телевизион театрининг спектакли (тақрорий). 13.20 «Денгиз ва тоғлар учрашди». Болалар учун фильм-концерт. 13.40 «Олтин хакка». Болалар учун телеспектакль (рус.).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Хурпайган чумчуқ». Мультфильм. 18.40 «Қувнок пионер ёзи». 19.10 «Партия турмуши». «Коммунист ва беш йиллик». 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Музикали учрашувлар» (рус.). 20.30 «Ахборот» 20.50 СССР халқ артисти С. Қобулова куйлайди (тақрорий). 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Ғўза парваришлари илғорларига тенглашинг». 22.15 Польша халқининг миллий байрами— Польша қайта тикланган кунга. «Зося». Бадиий фильм (СССР— Польша). 23.20 «Спорт оҳанглари». Телефильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Ким бўлсам экан?». 20.55 «Рус чойи». Телефильм. 21.10 Абитуриентлар учун. Математика. 22.10 «Овдаги драма». Телеспектакль. 1-қисм (рус.).


4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистона и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41, ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

21 ИЮЛЬ, 1980 й. Р—14035. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Б—2124.